O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 30 ОКТЯБР сешанба № 44 (248) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Огоҳликка даъват

ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

1998 йилнинг августида Найроби ва Доруссалом шаҳарларидаги АҚШ элчихоналарида кучли портлашлар содир этилди.

Террорчилик ҳаракати ортида Афғонистонда жойлашган террористик ташкилотлар тургани аниқлангач, 20 август куни АҚШ ҳарбий кучлари бу мамлакатдаги Усама бен Ладенга қарашли террорчиларнинг олтита қароргоҳига қанотли ракеталарда зарба берди

Бунинг натижасида 16 та террорчи ҳалок бўлган, Усама бен Ладеннинг ўзи эса омон колган.

1. 11 сентябр куни Нью-Йорк ва Вашингтонда террористик ҳаракатлар содир этишда бош гумондор Усама бен Ладен деб топилгач, АҚШ ҳукумати уни судга топширишни "Толибон" раҳбарларидан талаб этди. "Эн-Би-Си" телекомпаниясининг маълумотига кўра, 17 сентябр куни Покистон делегацияси Афғонистонда бўлиб, АҚШ ультиматумини "Толибон" раҳбарларига топширди. Унда уч кун ичида террорчилар тайёрлайдиган лагерларни ёпиш, "Ал -қаида" ташкилоти раҳбарларини, биринчи навбатда Усама бен Ладинни топшириш, ноҳақ тутиб турилган хорижий тутқунларни, шу жумладан, америкаликларни озод этиш талаб қилинган, акс ҳолда ҳарбий зарба берилишидан огоҳ этилганди.

2. 20 сентябрда Афғонистон мусулмон уламолари шўроси Усама бен Ладинни ўз ихтиёри билан мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишини талаб этишди.

3. 28 сентябр куни Покистон Президенти Первез Мушарраф охирги дипломатик ҳаракат зое кетмагунча ҳарбий кучларни ишга солмасликни АҚШдан илтимос қилди.

4. 28 сентябр куни Покистон делегацияси "Толибон" вакиллари билан яна бир бор учрашиб, АҚШ қўйган талабларни бажаришни сўрашди. Бунга жавобан "Толибон" вакиллари Усама бен Ладин Афғонистон ҳудудидан ўз ихтиёри билан чиқиб кетишга даъват этилганини айтишди, шу билан бирга мабодо АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучлари зарба берса, уларга қарши 300 минг мужоҳид жиҳодга тайёр эканидан огоҳ этишди.

5. "Толибон" етакчиси мулла Муҳаммад Умар Покистон делегациясига *"Усама бен Ладин тирик чиқадими, ўлик чиқадими, қатъи назар, Афғонистондан ҳаммадан кейин чиқади"*, деди. ("Ashard al-Awsat" газетаси).

6. 28 сентябрда Россия Федерацияси хавфсизлик кенгашида мамлакатга ёйилаётган гиёҳванд моддаларнинг 80 фоизи Афғонистондан кириб келиши, шу ҳудуддан келаётган биргина героиннинг ўзи 30 тоннани ташкил этиши қайд этилди.

7. АҚШ Конгресси кейинги йилда мудофаа ишлари учун 320 миллиард доллар, жумладан, терроризмга қарши кураш дастурига 6 миллиард доллар ажратилишини маъқуллади.

8. 11 октябр куни АҚШ ҳукумати халқаро қидирувда бўлган энг хавфли 22 нафар террорчини маълум қилди. Усама бен Ладен, Айман ал-Заваҳирий, "Ал-қаида" ташкилоти раҳбарининг икки муовини мазкур рўйхатда етакчи ўрин тутишади.

9. Ислом конференцияси ташкилотига аъзо 56 мусулмон давлати халқаро террорчилик ҳаракатини яқдиллик билан қоралаб чиқишди. Улар "Толибон"нинг ёрдам сўраб қилган мурожаатини эътиборсиз қолдиришди.

10. 11 октябр куни "Толибон"нинг 1200 аскари қочиб келиб, Шимолий иттифоқ ҳарбий кучлари таркибига қўшилди.

11. 11 октябр куни Президент Жорж Буш Оқ уйда бўлган матбуот анжуманида "Толибон" Усама бен Ладенни топширса, уларга нисбатан ҳарбий ҳаракат ўзгартирилишини яна бир бор таъкидлади.

12. Ал-Азхар Ислом университети бош имоми Шайх Муҳаммад Сайид Усама бен Ладенга ўзингни халқаро суд ихтиёрга топшир, деб даъват этди. Шайх Тантавий ҳам шаънига билдирилган айблар учун одил суд олдида Усама бен Ладеннинг шахсан ўзи жавоб бериши адолат нуқтаи назаридан тўғри бўлишини таъкидлади.

13. Нью-Йорк мэри Рудольф Жулиани 11 сентябр куни Жаҳон савдо марказининг икки биноси вайрон этилиши 1 миллиард доллар миқдорида зиён келтирганини қайд этди.

14. 13 октябрда АҚШ Сенати **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги қонун қабул қилди.

15. 13 октябр куни Қобулда Shelter Now халқаро инсонпарварлик ташкилотининг саккиз ходими устидан суд иши давом этди. Икки ой бурун ҳибсга олиниб, турмага ташланган хорижийлар Афғонистон ҳудудида ўз динига даъват этишда айбланаётир.

16. 15 октябр куни "Толибон"нинг яна 4 минг кишилик қўшини қочиб келиб, Жозеяндаги Шимолий иттифоқ қўшинлари таркибига қўшилди ("Си-Эн-Эн").

17. Ўтган бир ой ичида АҚШ махсус хизмати тўрт марта америкаликларга нисбатан уюштирилаётган террорчилик ҳаракатининг олдини олишди ("Рейтер" агентлиги).

18. 16 октябр куни, "Эн-Би-Си" телекомпанияси берган хабарга кўра, Шимолий иттифоқ қўшинлари Мозори Шариф шаҳрига ёриб киришга муваффақ бўлишган.

19. Афғонистоннинг қувғинда бўлган собиқ шоҳи Муҳаммад Зоҳир Шоҳ 15 октябр куни БМТнинг Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб, толиблар режимига барҳам берилгач, мамлакатга БМТнинг тинчликпарвар қўшинларини киритишни сўради("Си-Эн-Эн"). БМТ эса бу масалани Афғонистондаги мавжуд кучларнинг ҳамжиҳатлигига эришиш орқали бартараф этишни маъқул кўрмоқда. "Би-Би-Си" радиоси 18 октябр куни хабар қилишича, АҚШнинг Давлат котиби Колен Пауэлл амалдаги ҳукуматга барҳам берилгач, Афғонистонга тинчликпарвар қўшин киритилишини таъкидлаган.

20. АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфелд 15 октябр куни бўлиб ўтган брифингда терроризмга қарши кураш унинг илдизи билан йўқ қилинмагунча давом этишини маълум қилди.

21. 16 октябр куни АҚШ Давлат котиби Колен Пауэлл Покистон Президенти Первез Мушарраф билан Афғонистонда тузилажак янги ҳукумат таркиби юзасидан мулоқот ўтказди ("НТВ"). АҚШ Давлат котиби бўлажак ҳукумат Афғонистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб тузилишини, АҚШ афғон халқига ҳар томонлама кенг кўламли ёрдам беришини таъкидлади (РИА "Новости").

22. 17 октябр куни, генерал Абдурашид Дўстим "Озодлик" радиоси орқали маълум қилишича, мухолиф тарафнинг кўзга кўринган дала қўмондонлари билан бирга 2500 аскари келиб уларга қўшилган.

23. 17 октябр. "Время новостей" газетаси "Толибон" ҳаракати таркибида ички бўлинишлар кучайганини қайд этиб, толиблар-нинг Ташқи ишлар вазири Вакил Мутавакил Афғонистонни тарк этиб, Бирлашган Араб Амирликларига ўтиб кетганини маълум қилди.

24. 18 октябрда АҚШ Авиация федерал бошқармаси бошлиғи Жейн Гаври 11 сентябр куни содир этилган террорчилик ҳаракатида 30 террорчи иштирок этгани, яна учта самолётни олиб қочиш кўзда тутилганини, фақат зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бошқа ҳалокатларнинг олди олинганини маълум қилди ("Эй-Би-Си").

25. 22 октябр. "Ньюсуик" журнали берган маълумотга кўра, Американинг махсус хизмати Усама бен Ладен яширинган қароргоҳни аниқлаган. У Қандаҳорда, ер остида жойлашган бўлиб, ер ости йўлларига эга. 21 октябр куни мазкур ҳудудда АҚШнинг махсус хизмати ҳарбий операциялар ўтказган (РИА "Новости").

26. 23 октябр. "ОРТ" телеканали хабар беришича, АҚШ Давлат котиби Колен Пауэлл Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар қишга қолмасдан охирига етказилиши мумкинлигини маълум қилган. АҚШ Мудофа вазири Дональд Рамсфелд эса "Ал-Қаида" ва толибларга барҳам берилгач, ҳарбий ҳаракатлар якунланишини таъкидлади ("Озодлик" радиоси).

27. 23 октябр. "Си-Эн-Эн" телеканалига берган интервьюсида АҚШ Давлат котиби Колен Пауэлл Америка ҳарбий кучлари Шимолий иттифоқ қўшинлари Мозори Шарифни ишғол этишларига хайрихоҳлик билан қараётганини маълум қилди. "Би-Би-Си" радиоси берган маълумотда қайд этилишича, араб ёлланмаларидан ташкил топган ўн минг жангари мазкур шаҳарни муҳофаза этиб турибди.

28. 23 октябр. "НТВ" телеканали хабар беришича, Афғонистонда терроризмга қарши ҳарбий ҳаракат бошлангунча Усама бен Ладен жангарилар тайёрловчи 28 та лагер ташкил этган ва уларда Жазоир, Тунис, Марокко, Покистон ва бошқа араб мамлакатларидан келган 20 минг ёлланганлар "сабоқ" олган. Аксилтеррор ҳаракатлари давомида "Ал-Қаида" террорчилик ташкилотининг 9 та, толибонларнинг 24 та ҳарбий таянчлари бартараф этилган.

29. Покистон Президенти Первез Мушарраф Кобулни Шимолий иттифоқ ишғол этишига қарши эканини, бу шаҳарни "холи ҳудуд"га айлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади (РИА "Новости").

30. "Ал-жазира" телеканали берган маълумотга кўра, толиблар Мозори Шарифда 9 афғон фуқаросини хиёнат қилишда айблаб қатл этган. Жалолободда эса яна 15 кишининг қатл этилиши кутилмоқда.

31. 11 сентябр куни АҚШда содир этилган террорчилик тажовузи Германиянинг Гамбург шаҳрида тайёрланган, деган фикр 24 октябр куни "РТР" телеканали орқали маълум қилинди.

32. Афғонистон миллий ислом фронти намояндаси Пир Саид Аҳмад Гиллонийнинг маълум қилишича, у Римда бўлиб, собиқ шоҳ Муҳаммад Зоҳир Шоҳ билан учрашган. Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Афғонистон Президенти вазифасини вақтинча бажаришга розилик берган.

33. 24 октябр куни Покистоннинг Пешовар шаҳрида Афғонистон миллий ислом фронти ҳаракати билан Афғонистонда тинчлик ва миллий яқдиллик Ассамблеяси анжумани бўлиб ўтди. Унда Афғонистон халқлари намояндалари ва уламолар иштирок этишди, мамлакатнинг кейинги тақдири, янги тузилажак ҳукумат билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, ҳужжатлар қабул қилинди (РИА "Новости").

34. АҚШнинг вице-президенти Ричард Чейни 11 сентябр фожиаси 5 мингдан зиёд одамнинг умрига зомин бўлганини, шунингдек, қуйдирги манбаси тарқатилиши оқибатида яна уч киши ҳаётдан кўз юмганини таъкидлади.

35. 25 октябр куни Шимолий иттифоқ қўшинлари Мозори Шариф ёнидаги Шўрчада 180 нафар толибларни асир олишди. Генерал Исмоил Хон 26 октябр куни "Время новостей"да таъкидлашича, генерал Абдурашид Дўстим қўшинлари Мозори Шарифнинг Чипчал, Чешимбек, Бешкан, Булуч қисмларини қўлга киритган. Шаҳар аэропорти тўрт маротаба қўлдан-қўлга ўтган. *"Шунга имоним комилки*, — дейди генерал Исмоил Хон, — *Мозори Шарифдан толиблар қувиб чиқилади"*.

36. 26 октябр. Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий Афғонистоннинг тузилажак ҳукумати ва унинг келажаги билан боғлиқ масалаларни БМТ шафелигидаги "6+2" гуруҳи доирасида ҳал этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Маълумки, бу халқаро гуруҳ Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида 1998 йили ташкил топган. Хитой, Туркманистон, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерацияси "6+2" гуруҳининг аъзоларидир. 1998 йилнинг 21 сентябрида БМТ котибияти биносида унинг биринчи йиғилиши, 1999 йилнинг 19 июлида Тошкентда навбатдаги анжумани бўлиб ўтган ("РТР").

37. 26 октябр. Туркиянинг Анқара шаҳрида Афғонистоннинг собиқ шоҳи Муҳаммад Зоҳир Шоҳ уч кун мобайнида Шимолий иттифоқ вакиллари билан музокара олиб борди. 28 октябрдан эътиборан Афғонистоннинг бўлажак ҳукумати шакллантиришга киришилади.

38. Муҳаммад Зоҳир Шоҳнинг яқин сафдоши, Қобул ҳарбий ҳудуди собиқ қўмондони, пуштунларнинг кўзга кўринган вакили Абдул Ҳақ толиблар томонидан қатл этилди. Абдул Ҳақ 1992-96 йилларда толиблар Қобулнинг катта қисмини вайрон этиб, 50 минг кишининг умрига зомин бўлганида уларга қарши курашган, кейинги йилларда Бирлашган Араб Амирликларида яшаётган эди. Афғонистонда тинчликни қарор топтириш учун курашаётган Абдул Ҳақни толиблар Шимолий иттифоққа қўшилиш учун келган, демоқда. Абдул Ҳақ билан бирга унинг йўлдошлари ҳам қатл этилган.

39. 29 октябр. Покистондаги ибодатхонада насроний динига эътиқод қилувчи 16 нафар бегуноҳ инсон террорчилар томонидан отиб ташланди ("СИ-Эн-Эн").

11 сентябр воқеалари, терроризмнинг бегуноҳ қурбонлари қисмати бизни ҳамиша огоҳликка ундайди. Халқаро терроризмга кураш бу — ёвузликка қарши кураш, демакдир.

Ўз уйимизни ўзимиз асраб, ўз ишимизни виждонан бажаришимиз, теварак-атрофимиздаги воқеаларга ёниқ муносабатимиз, қадр-қимматимизни англаб яшашимиз, ҳеч шубҳасиз, ногоҳоний офатларни даъф этишга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Тайёрлаган: F. ҲОТАМОВ





Ўтган ҳафта юртимиз ҳудудларида биринчи қор тушди. У поклик, беғуборлик ва тинчлик рамзидир.

"Celobal Finonce" журналининг октябр ойи сонида 2001 йилдаги дунёдаги энг яхши банклар рўйхати чоп этилган. Мазкур рўйхатдан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам жой олган.

***

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирдаги) матбуотда эълон қилинди.

***

АҚШ махсус хизмати ходимлари фуқароларнинг телефон орқали сўзлашувларини эшитиш ва Интернет орқали юбориладиган барча хабарларни текшириш ҳуқуқига эга бўлди. Уларга бундай ҳуқуқни бериш мамлакатда янгидан кучга киритилган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунда акс эттирилди.

***

"Қора сешанба" воқеаларига 1,5 ойдан ошган бўлсада, ушбу фожиага "саҳна" бўлган Жаҳон савдо маркази биносидаги олов ҳали ҳам ўчгани йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, бутунлай вайрон бўлган эгизак бинолардаги ёнғин яна бир ой давом этиши мумкин.

***

Вазирлар Маҳкамасининг "Ички валюта бозорида алмашув курсларини бир хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

***

Ички ишлар вазирлиги академияси ҳуқуқшунос олимлари саъй-ҳаракатлари натижасида ўзбек тилида биринчи юридик энциклопедия тайёрланди.

***

Миллий матбуот марказида немис олими Улрих Рудолфнинг "Ал Мотуридий ва Самарқанд суннийлик Илоҳиёти" китоби ўзбекча нашрининг тақдимот маросими ўтказилди.

***

Германиянинг Франкфурт шаҳрида ўтказилган халқаро китоб кўргазмасида мамлакатимиз нашриётлари 200 дан ортиқ китоблари билан қатнашди.

Жиззах пахтаси "Юқори сифат учун Халқаро "Женева — 2001" конвенциясининг махсус совринига сазовор бўлди.

ТАДБИРКОРЛИК: ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими шакланиб бормоқда. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатимизнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлар манбаи, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Агар 1991 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири шу соҳада фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, такомиллаштириб борилмоқда.

Шу маънода Адлия вазирлигида "Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари"га бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимлари, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия вазирликлари, Фан ва техника давлат қўмитаси, Республика Прокуратураси, Марказий банк, Олий хўжалик суди, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси масъул ходимлари, бир қанча хорижий ташкилотларнинг вакиллари, Тошкент давлат юридик институти олим ҳамда магистрлари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда тадбиркорлик ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди. Жумладан, жойларда шу соҳани ривожлантиришга оид қонунлар, қолаверса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қандай бажарилаяпти, тадбиркорларга кредит ажратиш, жумладан, инвестицион фаолият учун кредит бериш, шартномавий муносабатлар, солиқ имтиёзлари қандай бажарилмоқда, тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муносабати қандай бўлаяпти, ишбилармонларни ахборот билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар қай аҳволда каби ва бошқа масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар билдирилди.

Қуйида конференция иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Пўлат САМАТОВ, Адлия вазирининг ўринбосари

Истиқлол шарофати билан қонун устуворлиги фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамиятни ривожлантиришнинг миллий қонунчилик асослари шакллантирилди. Жумладан, 10 йил мобайнида 14 та кодекс, 300 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги фақатгина қонунларни қабул қилиш билан чекланмайди, балки бу жараён узлуксиз давом этади. Яъни бозор муносабатларига эволюцион йўл билан ўтиш жараёни қонунчилик амалиётини муттасил такомиллаштириб бориш, жойларда қонунларнинг ижроси билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва муаммоларни ҳал этиш йўллари хусусида конструктив таклифларни тайёрлашни тақоза этади.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлаш, аввало, қонунчилик базасини шакллантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, уларнинг узоқ муддатли кредит ресурсларидан имтиёзли фойдаланиш, имтиёзли солиқ тартибини, ишлаб чиқариш, молиявий, ижтимоий бозор инфраструктурасини шакллантиришга, пировард натижада эса, иқтисодиётнинг мазкур тармоғини самарали ривожлантиришга қаратилган.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг (2000 йил 25 май) қабул қилиниши ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Мазкур қонун моҳият-эътибори билан фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мазкур қонунда қайд этилганидек, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуклилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Шунингдек, тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, Президентимизнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорларига биноан кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлаб борилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар бошқа қонунларда ҳам ифодаланган. Бу ҳолат қисман ахборотларнинг сочилиб кетишига олиб келмоқда. Баъзи ҳолларда у ёки бу масалани кўриб чиқишда қандай ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини аниқлаш мураккаблашиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишда ҳам бу тўғрида алоҳида тўхталиб, **"Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Бироқ амалда қонунларнинг чуқур таҳлили уларни такомиллаштириш ва янги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлдириш зарурлигини кўрсатмоқда. Баъзи меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари манфаатларини эмас, балки айрим идоралар манфаатларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган"**, деб таъкидлаган эди.

Маълумки, Адлия вазирлиги зиммасига бевосита қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ваколати берилган. Адлия вазирининг 2000 йил 18 декабрдаги 71-буйруғига асосан вазирлик ҳузурида амалдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш мақсадида 19 та ишчи гуруҳи тузилганди. Ишчи гуруҳлари зиммасига қонунчиликнинг долзарб муаммоларини аниқлаш, қонунлар ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштирилган ҳолда таклифлар тайёрлаш вазифаси қўйилганди. Ҳар бир ишчи гуруҳи ўз йўналишлари бўйича қонунчилик амалиётидаги энг долзарб муаммоларни аниқлаб, қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашга киришди. Жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, солиқ, божхона, лицензиялаш бўйича ва бошқа соҳалар юзасидан қонунларни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрланди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, жойларда тадбиркорларга ҳуқуқ, текширув, назорат органларининг айрим мансабдор шахслари томонидан босим ўтказилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, тадбиркорлик соҳаси ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан ишончли ҳимоя қилинмаган. Назорат, текширув, ҳуқуқ органлари фаолиятини аниқ белгилаб берувчи, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ишончли ҳимоя қилувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар мукаммал даражага етказилмаган ҳали.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ яна бир муаммо шундаки, айрим тадбиркорлар ҳали етарли даражада норматив ҳуқуқий ахборотлар билан танишиш имкониятига эга эмас. Жумладан, ишбилармонлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари, унинг юридик ва иқтисодий шарт-шароитлари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, маълумотномаларга эҳтиёж сезмоқдалар. Вазирлигимиз манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик соҳасига доир ҳуқуқий-норматив адабиётларни нашр қилишга киришди.

"Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари"га бағишланган мазкур конференция ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ-ғов бўлаётган муаммоларни холис муҳокама қилиб, бу борадаги камчиликларни аниқлади. Мазкур анжуманда ишчи гуруҳлари томонидан тўпланган тажрибалар муҳокама қилинди. Унга ишчи гуруҳлари фаолияти дастлабки босқичи якунлари тарзида қараш мантиқан тўғри бўлур эди. Ушбу анжуман тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлар ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади, деган фикрдамиз.

(Саҳифанинг давомини иккинчи бетда ўқийсиз)

Мутолаа

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ҲОСИЛАСИ

Бугунги кунда инсоният олдида терроризм балосини даф этиш вазифаси кўндаланг турибди. АҚШда содир этилган машъум воқеалардан кейин террорчиликка қарши халқаро миқёсда кескин кураш бошланди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқимизга баёнот берди. Бундан ташқари бир нечта йиғилиш, маъруза ва суҳбатларда ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталинди. Адлия вазирлигининг ташаббуси билан "Адолат" нашриёти томонидан яқинда **"Тинчлик учун курашиш керак"** номли рисола босилиб чиқди. Унда Президентимизнинг терроризмга қарши курашиш юзасидан берган Баёноти, ЎзА мухбири билан суҳбатининг қисқача баёни ҳамда маъруза ва нутқларидан парчалар берилган. Шунингдек, рисолада Адлия вазирлиги Матбуот хизмати томонидан тайёрланган **"Терроризм — XXI аср вабоси: унга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир"**, деган мақоласи ҳам чоп этилган. Рисола маърузачилар учун ёрдамчи қўлланма сифатида нашр этилган бўлиб, терроризм офатининг ёвуз моҳиятини билиб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Дилдора ҲАЙИТБОЕВА

Ҳамид МАМАЖОНОВ,
Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги лойиҳалар таҳлили ва коньюктуравий тадқиқотлар маркази директори

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ИСТИҚБОЛИ

(Саҳифанинг давоми. Боши биринчи бетда)

Шу нарса барчага аёнки, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига таянган ҳолдагина рақобатбоп товарлар ишлаб чиқариш мумкин. Хўш, тадбиркорларимиз ўз салоҳиятларини ошириш учун хорижий инновацион технологиялардан қай даражада фойдаланмоқда? Кичик бизнес тузилмалари фаолияти тахлили шуни кўрсатадики, кичик корхоналарнинг 55 фоизга яқини умумий овқатланиш ва савдо соҳасига тегишли экан. Кичик корхоналарнинг илмий ишлаб чиқариш тармоқларидаги ҳиссаси анча кам. Масалан, саноатда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг атиги 4,3 фоизигина кичик ва ўрта бизнес корхоналари улушига тўғри келади. Нима сабабдан кичик ва ўрта бизнес саноатда, қурилишда ҳамда иқтисодиётнинг илмий ишлаб чиқариш йўналишидаги соҳаларида кенг ривожлантирилмаяпти? Сир эмаски, инновацион соҳани йўлга қўйиш, қийинчиликларни бартараф этиш бошқа соҳаларга нисбатан анча мураккаб. Фикримизни қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди. Ахборот технологиялари соҳасида оригинал дастурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган илмий-ишлаб чиқариш марказлари асосан компьютерлар ва хорижий дастурларни сотиш билан шуғулланмоқда.

Тадбиркорларга инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва янги технологияларни қўллашда қўл келадиган иқтисодий - ҳуқуқий механизмлар яратилиши лозим. Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг йирик корхоналар қаторида давлат аҳамиятига молик бўлган дастурлар лойиҳаларни тендер асосида (шу жумладан, хорижий кредит линиялари кўмагида) амалга оширишлари учун тенг шароит яратиб берилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бундан ташқари, янги инновацион технологияларга эга бўлган кичик инновацион фирмалар давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини олишда ишончли вакиллар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Уларнинг бу ҳуқуқлари қонун йўли билан мустаҳкамланса, фойдадан холи бўлмасди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, инновацион дастурлар асосан халқаро ва хорижий ташкилотлар, фондлар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Хорижий ташкилотлар ва фондлар томонидан ажратилган грант линиялари бўйича ўтказилган маблағлар, харид қилинган асбоб-ускуналар баъзи солиқлардан, жумладан, НДС, акциз солиғи, божхона тўловларидан озод қилинган. Бироқ шу йўсинда хорижий технологияларни харид қилганлар мулк солиғи тўлашга мажбур. Бу табиийки, грант соҳибларини анча қийин аҳволга солиб қўяди. Мулк солиғини тўлай олмаган тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Юқорида тилга олинган муаммолар ҳуқуқий жиҳатдан бартараф этилса, тадбиркорлик фаолияти равнақига имкониятлар эшиги ланг очилган бўлур эди.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи

МУЛКДОР ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири – хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш долзарб вазифага айланмоқда.

Адлия вазирининг 71- сонли буйруғига мувофиқ 2000 йил декабрда тузилган қонунчилик тармоқлари бўйича 19 та ишчи гуруҳлари томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган барча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш борасида қизғин фаолият бошлаб юборилган эди. Мазкур ишчи гуруҳ мутахассислари тадбиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатларини амалда қўллаш билан боғлиқ долзарб мавзу ва муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари, айниқса, меъёрий ҳужжатларни қайтадан инвентаризация қилиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ривожланишига ғов-тўсиқ бўлаётган қоида ва низомларни аниқлаш, уларни бартараф этиш борасида муайян ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности меъёрий ҳужжатлари қоида-талабларининг ижросини таъминлаш, аҳоли орасида тарғиб қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашиш ёки давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан улар фаолиятини чекловчи хатти-ҳаракатлар қилиниши туфайли тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишда Адлия вазирлиги "Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш" бошқармаси ва вилоят адлия бошқармаларидаги тегишли бўлимлари томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мана шундай тадбирлар натижасида мамлакат иқтисодий қудратининг ўзига хос тарздаги таянчи бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниб етиб, адлия идораларининг "Ишонч телефонларига" мурожаат қилмоқда. Айниқса, ҳозирги вақтда деярли барча хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" улар фаолиятининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ва кенг жамоатчиликка шартномавий муносабатларга киришиш ва бу борадаги масалаларни қонуний ҳал этишда ҳуқуқий қўлланма сифатида фойдаланиш учун "Хўжалик шартномаларига доир қонун ҳужжатлари ва шартномалар намунавий шакллари" тўплами ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, вилоят адлия бошқармалари орқали аҳолига етказилди. 2000 йил июлдан бошлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий даврий нашрлари ҳисобланган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"ни ҳар ойда икки марта ўзбек ва рус тилларида нашр этиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари "Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси" рукни остида 20 та рисола тайёрланиб, уларнинг дастлабки нашрлари аҳолига етказилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишда фикримизча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

-мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган "Тадбиркор қонун ҳимоясида", "Тадбиркор ва қонунчилик" каби мавзуларда телевидениеда махсус кўрсатувлар тайёрлаш ва давра суҳбатлари уюштириш;

- мунтазам равишда радиоэшиттиришлар ташкил қилиб, тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар олиб бориш;

- газета ва журналларда доимий махсус рукнлар ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига шарҳлар тайёрлаш ва тадбиркорларга етказиш;

- вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда аниқ режа асосида тарғибот ишларини олиб бориш ва бошқалар.

Суратда: анжуман пайти

Ҳуқуқий маърифат

ДИВИДЕНД НИМА?

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли мамлакатимизда ўтган қисқа даврда мулкдорлар тоифаси шаклланиб бораётганига ҳар биримиз гувохмиз.

Шундай хўжалик юритувчи субъектлар таркибида акциядорлик жамиятлари алоҳида ўрин тутади.

Мулкчиликнинг бу кўринишини ривожлантиришда рағбат бўладиган омиллар жуда кўп. Шулардан бири — акциядорлик жамиятлари аъзолари ўртасида ҳар бир хўжалик йили соф фойдасидан улуш, яъни дивидент ажратиб боришдир.

Хўш, дивидент деб нима айтилади? Унинг акциядорлар ўртасидаги тақсимоти қандай мезонларга кўра амалга оширилади?

Қуйида Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси Фозил ФАРИКОВ бевосита ана шу мавзуда фикр юритади.

— Акциядорлик жамияти, унда олинган фойдадан дивидендлар тақсимоти ҳақида фикр юритишдан олдин шуни айтиш керакки, бу борадаги масалаларни адолатли ҳал этиш, акциядорлар фаолиятини тўғри йўлга қўйишга хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Бу фикримнинг исботи тариқасида 1996 йилда 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонунни келтириб ўтиш ўринлидир.

Шуни айтиш керакки, мазкур қонунда акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ барча масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тўла ўз ечимини топган.

Энди асосий мавзуга ўтадиган бўлсак, хўш, дивиденд деб нимага айтилади?

Акциядорлик жамияти томонидан олинган фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланиб, қайта инвестиция амалга оширилгач, акциядорлар жамияти ихтиёрида қолган ва тақсимланиши лозим бўлган маблағ дивиденд деб юритилади.

Албатта, жамият дивиденди акциядорлар ўртасида акцияларнинг миқдори ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан ҳам тўланиши мумкин.

Шу билан бирга жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендлар тўланиши шарт.

Шу ўринда иккинчи бир савол туғилади: дивидендларни тўлаш муддати, шакли ва тартиби қандай?

Шуни айтиш керакки, акциядорлик жамияти жойлаштирилган акциялар бўйича бир йилда бир марта, ҳар олти ойда, йилнинг ҳар чорагида дивидендлар тўлаш тўғрисида қабул қилишга ҳақлидир. Албатта, бу ўринда Қонун ва жамият Низомида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлиши керак.

Дивидендлар ҳар бир акциядорлик жамиятининг жорий йилдаги соф фойдасидан қўлланади. Муайян турдаги акциялар бўйича эса дивидендлар махсус жамғармалар ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, йиллик дивидендларни тўлаш санаси жамият Низоми ёки акциядорлар умумий йиғилиши чиқарган қарор билан белгиланади.

Оралиқ дивидендлар тўлаш санаси эса жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгилаб борилади. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, ана шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида 30 кун вақт ўтган бўлиши зарур.

Энди дивиденд тўлаш тартиби тўғрисида гапирадиган бўлсак, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дивидент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг алоҳида рўйхатини тузилади.

Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши оралиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан камида 30 кун олдин жамият акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари киритилади.

Йиллик дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига эса акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишида қатнашиши лозим деб топилган шахслар рўйхати тузилиши мўлжалланган кунгача жамият акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари киритилиши лозим.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиб ўтиш керак: Яъни дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар, сўнг оддий акцияларга дивидент тўланади.

Агар имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият акция эгаларига дивидентлар тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

Мабода жамият шундай йўл тутса, акциядорлар ўз дивидендларини суд орқали талаб этиши мумкин.

Иккинчи томондан, акциядорлик жамияти етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаётган бўлса, имтиёзли акцияларга дивидент тўлаш айни шу мақсадни кўзлаб ташкил этилган жамият заҳираси жамғармаси ҳисобидан фақат жамият доирасида тўланади.

Яна шуни айтиш керакки, акция эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ўз вақтида талаб қилиб олмаган дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан жамият ихтиёрида қолдирилади.

Мавлон МАРПАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари

БАНК МИЖОЗГА ҚАРАБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Маълумки, ҳар қандай бизнесни ривожлантириш учун, аввало, уни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш талаб қилинади. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун зарур молиявий маблағларнинг муҳим манбаларидан бири бу-тижорат банкларининг шу сохага йўналтирадиган кредитлари ҳисобланади. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, барча тараққий топган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда банк кредитларидан кенг кўламда фойдаланилади. Тижорат банклари бу соҳа вакилларининг яқин маслаҳатчиси, ишончли ҳамкорига айланган.

Мамлакатимизда ҳам молия-банк тизими билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни янгича ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳаётнинг талабидан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш ҳамда тижорат банкларига банк операцияларини амалга оширишда эркинлик бериш мақсадида уларга ички меъёрий ҳужжатларни мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилди.

2000 йилда жорий этилган янги тартибга асосан Марказий банк томонидан амалда бўлган 45 та меъёрий ҳужжат ва 115 та меъёрий ҳужжат шаклидаги кўрсатмалар бекор қилиниб, банк операциялари, шу жумладан, кредит операцияларини амалга ошириш ва улар билан боғлиқ таваккалчиликни бошқариш тижорат банклари раҳбарияти томонидан мустақил ҳал қилиниши белгилаб қўйилди.

Хўш, янги тартибнинг жорий этилиши кичик ва ўрта бизнес субъектларига қандай қулайликлар туғдиради, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Аввало, шу муносабат билан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликларига 5000 доллар эквиваланти миқдорида, юридик шахс мақомига эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига эса 10000 доллар эквиваленти миқдорида (хорижий ва миллий валютада)3 йил муддатгача ҳамда унинг 50 фоизи нақд пул ҳисобида 1,5 йил муддатгача ажратиладиган янги кредит бериш шакли жорий қилинди. Ва тадбиркорларга кредит бериш тартиби анча соддалаштирилди. Тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати юридик шахс бўлмаганлар учун 5 банк иш куни, юридик шахс мақомига эга бўлганлар учун эса 10 банк иш куни этиб белгиланди.

Кредитни қайтариш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун суғурта компаниясининг ёки тадбиркор яшаётган маҳалла қўмитасининг кафиллик хатини тақдим этиш амалиётга жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг кредит ҳисобига сотиб олинадиган мол-мулкининг 80 фоизи миқдоридаги қиймати олинган кредит бўйича гаров сифатида қабул қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларига микрокредитларнинг миллий ва хорижий валютада берилиши йўлга қўйилдики, бу тадбиркорларга асбоб-ускуна ва жиҳозларни четдан олиб келиш имкониятини яратади. Эндиликда тадбиркорлар хорижий валюта тарзида олинган кредитларини миллий валюта шаклида қайтариш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқдалар.

Президентимизнинг банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантиришни кўзда тутувчи **"Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги (2000 йил 21 март) Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг **"Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги (2000 йил 15 май) 195-қарорига асосан банклар фойдасининг 25 фоизгача миқдорини ажратиш ҳисобига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил қилинди. Ушбу жамғарма томонидан ажратиладиган кредит маблағлари бевосита тадбиркорлик субъектларининг замонавий технология ва инновацион лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги (2001 йил 10 сентябрь) 366-қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири яқинда давлат рўйхатидан ўтказилди. Бундан буён тижорат банкларидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан бошланғич капитални шакллантириш ҳамда микрокредитлар ва бошқа кредитлар бериш ягона меъёрий ҳужжат асосида амалга оширилади. Янги тартибнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар яратади.

Марказий банк тизимида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда жорижий кредит линияларининг ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил қилинди. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида ҳам шундай бўлимлар ташкил этилди.

Бундан ташқари муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида "ишонч телефонлари" ўрнатилди. Улар орқали ишбилармонларнинг таклиф, мулоҳазалари ўрганилиб, муаммолар тезда ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар ўзларига ниҳоятда қулай бўлган "Банк-мижоз" тизимидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Бу тизимга боғланган мижозлар ўз офисларида туриб компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, қишлоқ жойларида тадбиркорларга банк хизматини яхшилаш мақсадида тижорат банклари ўзларининг 300 дан ортиқ мини-банкларини ташкил этдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг тўлақонли ҳуқуқий замини яратилди. Бу эса иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, жойларда тадбиркорларга банк хизмати кўрсатишда муаммолар йўқ эмас. Баъзи банклар тадбиркорларни бўлар-бўлмасга овора қилмоқдалар. Бугуннинг талаби шундай: мижоз банкка эмас, балки банк мижозга қараб ҳаракат қилмоғи лозим.

Комил СИНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси

ШАРТНОМА – ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР КАФОЛАТИ

Бозор иқтисодиётининг талаби шундай: бозор муносабатлари бағрига чуқурроқ кириб борилар экан, ўрта ва кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик корхоналари, деҳқон, фермер хўжаликларининг тайёрловчи, таъминловчи ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб боради. Бу муносабатлар шартнома асосида ривожланади. Хўш, ҳозирги пайтда шартномавий муносабатлар қай аҳволда?

Сир эмаски, ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Хўжалик судларига мурожаат этаётганларнинг аксарияти шартнома муносабатлари бузилганлигидан шикоят қилишади.

Яна жойлардаги аҳволни ўрганиш шуни кўрсатяптики, кўпгина ҳолларда шартномалар бир томоннинг манфаатини кўзлаб тузилади. Бу ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни-моҳияти эътибор берилмайди. Масалан, "Ўзгазсотиш"нинг Фарғона вилояти бўлими томонидан газни қабул қилиш, узатиш тўғрисидаги шартномаларда истеъмолчиларнинг манфаатларига зид бўлган қоидалар киритилган. Жумладан, вилоят газ таъминоти корхонаси билан вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида 2000 йилда тузилган шартномаларнинг 3-4 бандида газ сотиш идораси истеъмолчи шартномада келишилган миқдордан ортиқча газ истеъмол қилган ҳолларда унга газ беришни тўхтатиб қўйиш мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга бир кеча-кундузда ҳажмдан ортиқча газ сарфланса, ойлик ортиқча сарф бор-йўқлигидан қатъий назар истеъмолчи оширилган коэффициентда ҳақ тўлашга мажбурлиги кўзда тутилган. Аксинча, истеъмолчи ўз айби билан керакли газни олмаса ҳам газ ҳақини тўлиқ миқдорда тўлаши шарт қилиб қўйилган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Жойларда деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари билан электр энергияси таъминоти корхоналари ўртасида тузилган шартномаларни ҳам қониқарли деб бўлмайди. Масалан, буғдой насос ёрдамида суғориладиган жойларда фермер хўжаликлари электр манбаи учун олдиндан ҳақ тўлаб қўйиши қайд этилган, бордию унинг бунга қурби етмаса, электр манбаини узиб қўйиш ҳоллари учрамоқда.

Шу каби деҳқон, фермер, ширкат хўжаликларини ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик ва омухта ем билан таъминлаш бўйича тузилган шартномаларда таъминловчи, хизмат кўрсатувчи томоннинг манфаатлари устун қўйилган. Ҳолбуки, шартномаларда маҳсулотни белгиланган жойга етказиб бериш мажбурияти бевосита таъминотчи корхоналар зиммасига юклатилиши фойдадан холи бўлмайди.

Яна кузатишлар шундан далолат берадики, тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш шартнома муносабатларининг самарали ишлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шуни назарда тутиб, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида жойларда деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий, иқтисодий ўқувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчидан, шартнома муносабатларида томонларининг тенглигига қатъий риоя этиш, бу борада тадбиркорларнинг имкониятларини ошириб бориш зарур. Бундай имтиёзлар айниқса, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган тадбиркорлик субъектлари учун жуда асқотади. Масалан, деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари билан электр энергияси таъминоти корхоналари ўртасида тузилаётган шартномаларда истеъмолчиларга улар электр энергияси ҳақини қишлоқ муддатли ижарага бериш ягона меъёрий ҳужжат асосида амалга оширилади. Янги тартибнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар яратади.

Марказий банк тизимида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда жорижий кредит линияларининг ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил қилинди. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида ҳам шундай бўлимлар ташкил этилди.

Бундан ташқари муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида "ишонч телефонлари" ўрнатилди. Улар орқали ишбилармонларнинг таклиф, мулоҳазалари ўрганилиб, муаммолар тезда ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар ўзларига ниҳоятда қулай бўлган "Банк-мижоз" тизимидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Бу тизимга боғланган мижозлар ўз офисларида туриб компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, қишлоқ жойларида тадбиркорларга банк хизматини яхшилаш мақсадида тижорат банклари ўзларининг 300 дан ортиқ мини-банкларини ташкил этдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг тўлақонли ҳуқуқий замини яратилди. Бу эса иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, жойларда тадбиркорларга банк хизмати кўрсатишда муаммолар йўқ эмас. Баъзи банклар тадбиркорларни бўлар-бўлмасга овора қилмоқдалар. Бугуннинг талаби шундай: мижоз банкка эмас, балки банк мижозга қараб ҳаракат қилмоғи лозим.

ПАЛАПАРТИШЛИК

Бу ҳол ўрни келганда панд беради

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қарорнинг ижроси билан танишиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан Мирзачўл туман ҳокимлиги фаолияти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида бир қанча камчиликлар аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, туман ҳокимининг 2001 йил 16 январдаги 38-қарори билан "Шамсиддин" фермер хўжалиги рўйхатга олиниб, унга "Ўзбекистон" ширкатлар бирлашмаси ҳудудидан 30 гектар ер майдони 10 йил муддатга ижарага берилган. Фермерга "Пахтабанк"дан ҳисоб рақами очиш белгиланган. Бўлғуси фермер аризаси туман ҳокимлигида 2000 йил 14 январда ҳисобга олинган. Камчиликлар шундан иборатки, фермер хўжалиги Низомида фермер хўжалик бошлиғининг шахси, паспорт серияси ва ким томонидан берилгани кўрсатилмаган. Давлат рўйхатига олинганда тўланиши лозим бўлган энг кам бир ойлик иш ҳақи миқдоридаги тўловнома йўқ. Боз устига узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси қачон тузилгани номаълум. Шунингдек, туман ҳокимининг 2001 йил 16 январдаги 37-қарори билан "Саидрасул бобо" фермер хўжалиги рўйхатга олиниб, "Янги дала" ширкат хўжалигидан 20 га ер 10 йил муддатга ижарага берилган. Ҳисоб рақамини "Тадбиркорбанк"дан очиш кўрсатилган. "Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси"да ерни ижарага бериш муддати ва миқдори, ернинг сифати, тупроқнинг бонитет бали, ерни ижарага берувчининг реквизити, манзили кўрсатилмаган. Фермер хўжалигига "Янги дала" қишлоқ фуқаролар йиғиндан 2000 йил 7 декабрда берилган ер ажратиш ҳақидаги қарорида ортиқча ҳужжат талаб қилинган. Шунингдек, "Янги дала" ширкатлар бирлашмасининг 2000 йил 7 декабрдаги фермер хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги сўровномаси ва хулосаси ортиқча талаб қилинган ҳужжат бўлиб рўйхатга олинганда тўлаш лозим бўлган пул ҳақида ҳужжат эса мавжуд эмас.

Туман ҳокимининг 2001 йил йил 16 январдаги қарори билан "Қодир М"фермер хўжалиги аризасига кўра ижарага берилган 41,6 гектар ернинг 20,6 гектарини хўжалик ҳисобига қайтариш кўрсатилган. Бу ўринда қарор ижроси таъминланмаган, яъни хўжалик билан фермер ўртасидаги ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасида ер майдон қисқартирилмаган ва бу ҳақда қарорда кўрсатилмаган.

Туман ҳокимининг 2001 йил 12 январдаги 29-қарори билан фуқаро А.Давлетовга хусусий ошхона қуриш учун 8 квадрат метр ер майдони ажратилган. Ушбу ариза туман ҳокимлиги томонидан кирим қилинмаган, ариза қачон келиб тушганини аниқлаш имкони йўқ. Мазкур ўринда "Фуқаролар мурожаатлари ҳақида"ги қонунга риоя этилмаган.

"Акбарбек" фермер хўжалигини давлат рўйхатига олишда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатга ижарага бериш тартиби"да белгиланган муддат 13 кунга кечиктирилган. Ижара шартномаси қачон тузилгани номаълум, ер майдони бонитет бали, ернинг шўрланиш даражаси, томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилмаган. "Достон М" фермер хўжалигини давлат рўйхатига олишда эса мазкур муддат 47 кунга кечиккан. Унда ҳам ер бонитет бали, шўрланиш даражаси ва ҳоказо ҳужжатлар йўқ.

Худди шундай камчиликлар "Алишер", "Хушвақт ота", "Ара-61", "Қуныш-98, "Дархан", "Накурт", "Учқун", "Фирдавсий", "Мансур", "Жонибек" фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олишда ҳам содир этилган.

Ҳоким томонидан фермер хўжалиги айнан бир банкдан ҳисоб рақами очиш белгиланган бўлиб, бу ҳолат "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун талабига зиддир. Фермер ҳисоб рақамини ўзи истаган банкдан очиш ҳуқуқига эга.

Туман ички ишлар бўлимида 2001 йил 17 август кун текшириш ўтказилганда шу кунга қадар 2001 йил давомида 116 тадбиркорга муҳр ва штамп олишга рухсат берилгани маълум бўлди. Рухсатнома бир ой муддат ичида эгаларига тадбиркорларнинг ўзлари тасдиқлаган эскизлар асосида берилган. Жумладан, фермер хўжалиги бошлиғи А.Тугаловнинг муҳр ва штамп олишга рухсат сўраб берган аризаси 2001 йил 14 апрелда кирим қилинган ва қонунда белгиланган 3 кунлик муддат ўрнига 20 кундан кейингина рухсат берилган. Кўпгина тадбиркорларга муҳр ва штамп олишга бир кунлик муҳлат берилган. Бу - тадбиркорлар учун мутлақо имкониятдан ташқари ҳолат. Бу ҳол тадбиркорларнинг ҳуқуқларини чеклашдан бошқа нарса эмас.

Тадбиркорлар туман ИИБ томонидан ҳар куни тўсиқсиз қабул қилинмоқда, аммо рухсатнома беришда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган ҳолатлар мавжуд. Тадбиркорнинг низоми, сўровнома, фотосурат ва бошқалар шулар жумласидандир. Фаолияти тўхтатилган субъектларнинг муҳр ва штампларини йўқ қилишда туман ҳокимининг қарори талаб қилинмаган, улар тадбиркордан олинганлиги тўғрисидаги далолатномалар тузилмаган.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бир неча ойлардан бери палата раиси ва юристи вазифаси бўш турганлиги сабабли бу ташкилотда ишлар қониқарсиз олиб борилмоқда. Бу ҳол туман ҳокимлиги ва вилоят тадбиркорлар палатаси бўш жойларга кадрлар танлаш борасида етарли иш олиб бормаётганини кўрсатади.

Туман давлат солиқ инспекциясида 2001 йил 22 август куни ўтказилган ўрганишда ДСИ томонидан тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериш учун алоҳида хона ажратилмагани ва уларни қабул қилиш жадвали тузилмагани аниқланди. ДСИ ходимларидан саккиз нафарига хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқи берилган. Бироқ текширув кунига қадар улар белгиланган намунадаги текшириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар билан таъминланмаган.

Туман ДСИ томонидан тадбиркорларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олиш пайтида тадбиркорлардан Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 55-сонли ва 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарорлари билан тасдиқланган Низомда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 2001 йилнинг 7 ойи давомида 89 фермер, 3 хусусий фирма ва 751 нафар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар рўйхатга олинган бўлиб, уларни рўйхатга олиш ва идентификация рақами беришда айрим камчиликларга йўл қўйилган. Яъни, С.Тасқараев, Н.Нахипбекова, А.Сергинова, Х.Исмоилова, П.Назарбаева ва бошқаларни рўйхатга олиш ва идентификация рақами беришда улардан товар айланиши миқдори тўғрисида декларация каби ортиқча ҳужжатлар олинган.

"Ситора" фермер хўжалигидан эса хўжалик низоми, ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси, "Янги дала

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

У инсон ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади

Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Адолат — қонун устуворлигида" маърузасида жиноий жазони либераллаштириш, жиноят содир этган шахсларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган бир қанча таклифлар билдирилди.

Шу муносабат билан жиноий жазоларни одиллаштириш мақсадида Жиноят Кодексига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир.

Шуни айтиш керакки, амалдаги ЖКга ўзгаришлар киритилганга қадар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, мазкур ўзгартиришлар киритилгач, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар доираси анча кенгайтирилди. Янги таҳрирда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар (масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш) (109-модда) ҳамда қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар (ЖК 120-м.) киритилган.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, қасддан қилган жинояти учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар бу жазони манзил колонияларида (ЖКнинг 50-моддаси) ўтайдилар. Шунингдек, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жиноят қонунида назарда тутилган бир қанча бошқа имтиёзлар қўлланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишдан енгилроқ бўлган жазолар назарда тутилган ҳамда шундай жиноят учун қонунда беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилди.

Бу туркумдаги жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан, жазодан озод қилиш, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш, енгилроқ жазо тайинлаш, шартли ҳукм қилиш ва ҳоказо имтиёзлар қўлланиши мумкин бўлди. Шахснинг эҳтиётсизлик орқали содир қилган жинояти учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияларида ўташ белгиланди.

Жиноят кодексига мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганга қадар унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киритилган. Янги қўшимча ва ўзгартириш киритилгач, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди.

Қасддан содир этилган жиноят учун беш йилгача муддатга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар бу жазони умумий тартибли колонияда ўтайдилар. Шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган шахслларга нисбатан жиноий жавобгарликдан, жазодан озод қилиш, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш, шартли ҳукм қилиш ва Жиноят Кодексида назарда тутилган бошқа имтиёзлар ҳам қўлланиши мумкин.

Шундай қилиб, Жиноят Кодексининг 15-моддасига (жиноятларни таснифлаш) киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар Жиноят Кодексининг инсонпарварлик тамойилларини янада ривожлантиради.

Яна шуни айтиш керакки, шу пайтга қадар қўшимча жазо тарикасида тайинланиб келинган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси (43-модда 2-қисмининг "б" банди ва 53-модда) қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгач, Жиноят кодексидан чиқарилди.

Энди ҳар қандай жиноят учун жазо тайинланганида мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо сифатида қўлланилмайди. Бундан буён жиноят натижасида қўлга киритилган ёки жиноий йўл билан топилган мулкни мусодара қилиш масаласи Жиноят Кодекси қоидалари асосида эмас, Жиноят-процессуал Кодекси нормалари билан ҳал этилади.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарар ёки зиён фуқаролик қонуни нормаларида белгиланган тартибда ундирилади.

Бозор иқтисодиёти тизимининг шаклланиши муносабати билан ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, уларнинг тасарруфида бўлган маблағлар миқдорининг ортиши, фуқароларнинг муайян қисмида пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларнинг кўпайиши Жиноят қонунидаги жарима, жиноят натижасида етказилган зарар ёки зиённинг миқдорига янгича муносабатда бўлиш ва уларнинг янги миқдорини кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Шуларни инобатга олиб, Жиноят Кодексидаги жарима жазосининг миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача белгиланди. Жиноий жазо сифатида тайинланадиган жаримaнинг миқдори ЖК махсус қисми моддаларида ҳам ўзгартирилди.

Жиноят Кодексига юқорида қайд этилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгунга қадар қасддан содир қилинган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси (50-модда) тайинланган бўлса, маҳкум бу жазони умумий тартибли жазони ўташ колониясида ўтар эди. Натижада турли сабабларга кўра ёки тасодифан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган шахслар (қасддан қилган жинояти учун уч йилгача озодликдан маҳрум этилган) ҳам жазони озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўташи туфайли бир қатор салбий оқибатлар вужудга келар эди. Бу муаммони ўрганган мутахассисларнинг деярли барчаси унинг салбий оқибатларини таъкидлаш билан бирга давлатнинг жуда катта миқдордаги маблағлари (уларни озиқ-овқат, кийим-бош, яшаш учун зарур бўлган барча воситалар билан таъминлаш ва ҳоказолар учун) сарф этилишини таъкидлаганлар.

Шулардан келиб чиқиб, Жиноят Кодекси 50-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасидаги жиноятларни таснифлаш қоидалари ўзгартирилганлиги муносабати билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазо белгиланган, шунингдек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди. Шу муносабат билан Жиноят Кодексининг барча моддалари 15-моддага мувофиқлаштирилди.

2. Жиноят Кодекси Махсус қисмининг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилганлигидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар тайинланадиган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати, уларнинг қилмиши квалификация қилинган модданинг санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан кўп бўлмаслиги керак. Масалан, ЖКнинг 167-моддасининг учинчи қисмида жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш, растрата қилиш орқали талон-тарож қилиш жинояти учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Агар суд аёл кишига ёки олтмиш ёшдан ошган эркакка ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлайдиган бўлса, уларга тайинланадиган жазо муддатининг энг кўп қисми олти йилу олти ойдан кўп бўлмаслиги керак.

3. Айбдорнинг қасддан содир қилган жинояти квалификация қилинган модданинг санкциясида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган бўлса, маҳкум уни жазони ўташ колониясида эмас, балки манзил колониясида ўташи тайинланади.

4. Айбдорнинг эҳтиётсизлик орқасидан қилган жинояти учун тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддатидан қатъий назар, унинг жазони манзил колониясида ўташи белгиланди.

5. Қонунда қасддан содир этилган жиноят учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган жиноятни содир этган ҳамда эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар жазони манзил-колониясида ўтайдилар.

6. Ҳукм чиқариш пайтида вояга етмаган шахсларга нисбатан ҳар қандай ҳолда ҳам жазони манзил-колониясида ўташ тайинланмайди.

7. Манзил-колониясида жазони ўтаётган маҳкумларнинг яшаш тарзи озодликдаги фуқароларнинг яшаш тарзига максимал даражада яқинлаштирилган бўлади (колониянинг атрофи баланд девор ва сим тўсиқлар билан ўралмаган, атрофни қуролланган соқчилар қўриқламайди, улар оддий шароитдаги кийим бош кийиб юрадилар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларинўзлари таъминайладилар, қўлларида чекланмаган миқдорда пуллари бўлиши мумкин, қариндош-уруғлари билан учрашувлар чекланмаган ва ҳ.к.лар).

8. Қасддан қилинган жиноят учун қонунда энг оғир жазо сифатида уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилиб, бундай жиноятни содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар бу жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдилар.

Қонунда қасддан содир қилган жинояти учун беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятлар туркумига кириб, бунда биринчи марта шу муддатлар доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдилар.

Шу билан бирга Жиноят Кодексининг 51-моддасига яна ўзгартиришлар киритилди. Ушбу моддага биноан ўлим жазоси энг оғир, ижтимоий хавфлилик даражаси ниҳоятда юқори бўлган, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми), агрессия (151-модда 2-қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 3-қисми) учун қолдирилди.

Ўлим жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ушбу моддага киритилган яна бир янгилик шундан иборатки, олтмиш ёшдан ошган эркакларга ҳам ўлим жазосининг қўлланилмаслигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига "ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66[1] модда)" киритилгани юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг ёрқин намунасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу норма Ўзбекистонда ҳозиргача қабул қилинган бирорта жиноят қонунида мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66[1]-моддасига биноан қуйидаги жиноятлар содир этилганда, айбдор ва жабрланувчилар ярашсалар, айбдор жиноий жавобгарликдан озод қилинади:

105-модданинг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида транспортининг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларини бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин).

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ЖК 73-моддасига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш мумкин:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини (аввалги 1998 йилги таҳрирда ушбу тоифадаги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини);

2) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини (аввалги таҳрирда ушбу тоифадаги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини);

3) ўта оғир жинояти учун шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини (аввалги таҳрирда ўта оғир жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини) ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Юқорида келтирилган қиёсий таҳлилдан ҳам кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қўшимча ва ўзгартиришларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг шартлари камайтирилган.

Жиноят Кодексининг 74-моддасида назарда тутилган жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги нормага киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар жиноят қонунини янада такомиллаштиришнинг ёрқин намунасидир. Ушбу моддага мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгунча озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар:

1) Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкин эди. Янги киритилган ўзгартиришга биноан бундай жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин;

2) Оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганидан кейин енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлган бўлса, янги киритилган ўзгаришга биноан камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлди.

3) Ўта оғир жинояти учун шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлди.

ЖКнинг 43-моддасида жазо тизими берилган бўлиб, бу жазолар енгилидан оғирига қараб жойлаштирилган. Бу жазоларнинг қатъий белгиланган номи ва ўрни бўлиб, ўзидан юқорида бўлган жазолардан бири билан алмаштирилиши мумкин. Енгилроқ жазо билан алмаштиришнинг асослари ЖКнинг 74-моддаси 2-қисмида берилган.

ЖКнинг 85-моддаси вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди, деган 4-қисм билан тўлдирилди.

Қонунда жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш (ЖК 99-модда), зарурий мудофа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 100-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, одам ўлдириш (ЖК 101-моддаси), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси), қийнаш (ЖК 110-модда 1-қисми), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-модда 3-қисми) ва ҳ.к. жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар ҳисобланади.

Қонунга кўра вояга етмаганлар дейилганида, ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар тушунилади. Агар вояга етмаганлар юқорида санаб ўтилган жиноятларни содир этсалар, уларга озодликдан маҳрум қилиш жазосидан бошқа енгилроқ жазо чоралари қўлланилади.

ЖК 89-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби кўрсатилган. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш юқорида айтилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган, меҳнатга ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади. Ушбу модданинг янги таҳрирда тузалиш йўлида турган вояга етмаган маҳкумларга нисбатан жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш муддатлари қисқартирилган.

Улар:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми (катта ёшдагилар учун жазо муддатининг учдан бир қисми);

2) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми (катта ёшдагилар учун эса жазо муддатининг камида ярми).

3) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун агар шахс илгари қасддан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини (вояга етганлар учун эса жазо муддатининг учдан икки қисмини) ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилишидан иборатдир.

Демак, Жиноят Кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич эркинлаштириш сиёсатига мувофиқ равишда жиноий жазони одиллаштириш, бу жазонинг салбий оқибатлари юз беришига йўл қўймаслик ҳамда жиноят содир қилган шахсларни самарали тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда эркинлаштириш Дастурини амалга оширишга хизмат қилади.

Фарҳод ТОҲИРОВ,
юридик фанлар номзоди

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли таҳририят аъзолари!
Ёшим 20 да. "Савол беринг" рукнидаги мулоқот орқали мени қизиқтирган бир неча саволга жавоб беришингизни илтимос қиламан.

О.ХУДОЙБЕРГАНОВ
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, "Остона" ширкат хўжалиги

1. "Меҳнат шартномаси" ва "контракт" тушунчалари бир-биридан фарқ қиладими?

— Меҳнат кодексида белгиланганидек, "меҳнат шартномаси" ва "контракт" тушунчалари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. МКнинг 1-моддасида худди шу ҳолатга эътибор қаратилиб, фақат бир маротаба "меҳнат шартномаси (контракт)" сўз бирикмаси қўлланилиб, қуйида бундан буён Кодексда "меҳнат шартномаси" атамаси қўлланилиши тўғрисида изоҳ берилган. Шунинг учун ҳам ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган шартнома — "контракт" ёки "меҳнат шартномаси" деб аталишидан қатъи назар, айни бир нарса тўғрисида сўз бораётганлигини назарда тутиш керак.

2. Меҳнатга жалб қилиш шарт бўлган қандай ҳолатлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди?

— Илгари амал қилиб келган қонунлардан фарқли равишда, Меҳнат кодексида мажбурий меҳнатни таъқиқлаш тўғрисидаги қоидадан чекиниш ҳолатларининг рўйхати биринчи маротаба келтирилган. МК 7-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қуйидаги ишлар:

— ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида:
— фавқулотда ҳолат юз берган шароитларда:
— суднинг қонунний кучга кирган ҳукмига биноан:
— қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

3. Танловдан ўтган ёхуд сайланадиган лавозимга сайланган шахслар билан меҳнат шартномаси тузиш керакми?

— Танловдан ўтиш, шунингдек, у ёки бу лавозимга сайланиш асло меҳнат шартномаси тузиш хусусидаги далил бўлмай, балки фақат уни тузишга асос ҳисобланади. Шунинг учун танловдан ўтган шахслар (масалан, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркиби) ёхуд сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланган шахслар (акциядорлик жамияти раҳбари, ишлаб чиқаришдан бўшатилган касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва бошқалар) билан меҳнатга оид муносабатлар юзага келиши учун меҳнат шартномаси тузилиши шарт.

4. Хусусий корхонада ёлланиб ишловчиларга нисбатан ким иш берувчи ҳисобланади?

— Хусусий корхона эгаси ўзи қабул қилган қарорга биноан бу корхонага раҳбарликни мустақил амалга ошириши, шу жумладан, ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиши ва бу шартномани бекор қилиши мумкин.

5. Корхона раҳбарини ким ишга қабул қилади?

— МК 82-моддасининг иккинчи қисмига биноан корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади.

Масалан, давлат корхонасининг раҳбари, одатда, юқори давлат органи томонидан ишга қабул қилинади. Акциядорлик жамиятининг раиси, агар Низомга биноан бу масалани ҳал этиш кузатув кенгаш ваколатига берилмаган бўлса, бевосита акциядорлар йиғилиши томонидан сайланади.

6. Неча ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга йўл қўйилади?

— Умумий қоида бўйича, МКнинг 77-моддасига мувофиқ ходим ўн олти ёшга тўлгандан кейин уни ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Шу билан бирга МКда бирмунча ёш шахсларни ишга қабул қилишга йўл қўювчи айрим истисноларни ҳам назарда тутади. Чунончи, ўн беш-ўн олти ёшли ўсмирларни, билим юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин фақат ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи (васий, ҳомий) шахснинг ёзма равишда розилиги билан ишга қабул қилинишларига йўл қўйилади.

Жавобларни ҳуқуқшунос С. ЭРГАШЕВ тайёрлади

ТУЗОҚ

«КИМОШДИ»ДА КИМ ҒОЛИБ?

Музрабод туманининг Янгиобод жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ёдгор Хушназаров 4 гектар ер майдонини ижарага олиб, боғ яратди. Ҳар йили боғдорчилик ишлари учун трактор ижлаб сарсон бўлар, топса кира қилиб, даладаги ишларини бажарар эди. Ўтган йилнинг қаҳратон қиш кунларида уйидаги чорва молларини сотиб, трактор харид қилишни кўнглига тугиб қўйди. Таниш-билишларидан сўраб-суриштирди. Аммо иши ўнгидан келмай юрган кунларнинг бирида ҳамқишлоғи Эшқобил Курбонназаровни учратиб қолди.

— Э, ҳамқишлоқ, тузукмисиз? Боғдаги дарахтлар ҳосилга кирдими? — дея сўрашган бўлди Эшқобил.

— Ёмон эмас. Шу десангиз, бир трактор сотиб олмоқчиман. Техникасиз ишлаш қийин бўлаяпти, — деб кўнгилдаги ниятни ёрди Ёдгор.

— Ҳа, гап буёғда денг. Мана, бир трактор бўлса, биз топиб берамиз-да, — деди Эшқобил бўлажак даромадни чамалаган куйи.

— Қаерда яхшироқ трактор бор?

— Сиз пулни тахланг. Мен вилоят кўчмас мулк биржаси бошлиғига учрашиб, қачон трактор сотилишини билиб келаман. У ерда танишларим бор...

Дастлабки қўйилган тузоққа Ёдгор Хўшназаров оппа-осон илинди. Яқинда сотган молларининг пулидан 650 минг сўмни Эшқобил Курбонназаровга ўз қўли билан келтириб берди.

Хўш, Э.Қурбонназаров ким ўзи?

Музрабод туманининг Янгиобод жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бу кимса 6 нафар фарзанднинг отаси, 1958 йилда туғилган. Илгари Янгиобод жамоа хўжалигидаги касалхонада хўжалик ишлари мудири бўлиб ишлаган. Кейинги икки йилда ҳеч қаерда ишламаган. Вилоят кўчмас мулк биржасида ўтказилган "кимошди" савдосида бир-икки бор қатнашиб, кўзи анча "пишиб" қолган. Кўриб юрганнинг кўзи тошу тарози дейишади. Эшқобил дастлабки "ўлжани" қўлга киритгач, вилоят кўчмас мулк биржаси бошлиғи Иброҳим Панжиев ҳузурида пайдо бўлди:

— Ака, бизга битта трактор керак эди, — деди у. — Мана учидан 40 минг сўм пул олиб келдим. Сотувга чиқарилган тракторлардан бехабар қолмайлик. Шу пулни олиб қўйсангиз. Хамир учидан патир деганларидек...

— Яхши, хабарлашиб туринг. Пулни Жўрабек деган йигит бор, ўшанга бериб қўйинг, — деди Иброҳим Панжиев.

Жўрабек Абраматов вилоят кўчмас мулк биржасида бош мутахассис вазифасида ишлаб келган. Бош мутахассис Эшқобилдан 40 минг сўм пул ва Ёдгор Хўшназаров номига ёзилган паспортни олиб қўяркан, тайинлади:

— Сиз ора-сира хабарлашиб туринг. Яхшироқ трактор сотувга қўйилса, харидорни бошлаб келасиз, — деб тайинлади.

Кунлар ўтди. Ойлар ўтди. Аммо ваъда қилинган трактордан дарак бўлмади. Трактор сотиб олиш илинжида юрган Ёдгор Хўшназаров ҳар ой икки-уч марта ҳамқишлоғи Эшқобилнинг уйига бориб, тракторни сўради. Ниҳоят, июнь ойининг бошларида яна трактор масаласида ҳамқишлоғи Эшқобил Курбонназаровга учрашди.

— Э, келганингиз дуруст бўлди. Ўзим сизни излаб бормоқчи эдим. Трактор масаласи ҳал бўлган. Эртага икковмиз Термизга борамиз. Вилоят кўчмас мулк биржасида ўтказиладиган "кимошди" савдосида битта тарактор сотилади, — деди Эшқобил.

Эртаси кўчмас мулк биржасида бош мутахассис Жўрабек Абраматов Ёдгор Хўшназаровга ариза ёздирди:

— Сизга рақамли таёқчани берамиз. Савдо тугагунгача таёқчани туширмай туринг, — дея у тайинлади.

"Кимошди" савдосида харидор Ё.Хўшназаров "устоз"лар айтган "ўгит"ларни тўла-тўкис бажарди. Яъни трактор нархи 850 минг сўмга кўтарилганича қўлидаги рақамли таёқчани туширмади. Савдо тугагач, уни биринчилар қатори Эшқобил табриклайди ва ёнларидан ўтиб кетаётган кишига ишора қилганича:

— Ёдгорбой, ҳозир "кимошди" савдосини бошқарган акамиз вилоят кўчмас мулк биржаси бошлиғи Иброҳим Панжиев бўладилар, — деб таништирган бўлди у.

Бошлиқ ular ёнига келиб:

— Табриклаймиз, савдода сиз ютиб чиқдингиз. Трактор ҳужжатларини эрта-индин расмийлаштириб олиб кетишингиз мумкин, — деди.

Аммо Ёдгор ўша куни тракторсиз уйга қайтди. Сабаби — савдода ютган тракторга пули етишмасди. Орадан яна ойлар ўтди. Бу орада куз бошланди. Ёдгор яна бир неча бор Эшқобил Курбонназаров уйига бориб тракторни суриштирди.

— Сиз сотиб олган трактор қайта сотувга қўйилган. Ҳозир бошлиқ Тошкентга ўғлини даволашга кетган. Келсин, албатта, шу пулингизга яраша трактор сотиб оласиз, — деди Эшқобил.

Ва, ниҳоят, 18 сентябр куни улар яна вилоят кўчмас мулк биржасида учрашадиган бўлишди... Шу ўринда бу фирибгарлик тафсилотларини шу ерда тўхтатиб, яна мавзуга қайтиш нияти билан бошқа бир фирибгарликни баён этишни лозим топдик...

"Раф" операцияси

Фирибгарлик йўли билан мўмай пул топиш ҳадисини олган Эшқобил Қурбонназаров куз бошида ўзининг яқин қариндоши Суюн Мамашукров хонадонига ташриф буюрди. Қариндошлар анча суҳбатлашиб ўтиришди. Эшқобил суҳбат оҳангидан уларга машина кераклигини сезгач, янги "режа"ни ишга солди:

— Яқинда кўчмас мулк биржасида "РАФ" русумли тузукроқ автомашина сотилади. Мен ҳозир ана шу ташкилотда буйруқ асосида ишлайман, — деб ёлғон гапирди у.

— Нархи қанча экан, куёв? — деб Суюн Мамашукуров.

— 200 минг сўм атрофида, — деди Эшқобил

— Бизга ўшани олиб беришга ёрдамлашинг. Сизни ҳам рози қиламиз, — деди Суюн Мамашукров ёлворгандек оҳангда.

— Майли, бир ҳафта ичида ҳал қилиб бераман. Эртага ўғлингиз Эшназар уйга бориб учрашсин, — деб тайинлаганича ортига қайтди.

Одамлар содда. Ёки ўтакетган ишонувчан. Фирибгарнинг пухта ўйлаган ҳийласи ўз кучини кўрсатди. Эртаси куни поччаси Эшқобилнинг уйига келган Эшназар Мамашукуров "РАФ" русумли машинани харид қилиш учун унга 200 минг сўм пулни нақд санаб берди.

— Машинани кўрсак бўладими? — деб сўради Эшназар.

— Ҳа, бўлади. Термизга бориш керак.

Эшқобил уни шаҳар марказида жойлашган касалхона қошидаги бир ташкилотга олиб бориб, "РАФ" автомашинасини кўрсатади. Харидор машина атрофини айланиб кўргач, сотиб олишга розилик беради. Лекин орадан икки ҳафта ўтса ҳамки, на "РАФ"дан, на пулдан дарак бўлади.

Бу орада фирибгар янги "ўлжа" изидан дадил қадам ташлаётган эди. У яна бир яқин қариндоши Қарши Ибрагимов хонадонига қадам ранжида қилди.

— Яқинда кўчмас мулк биржасида "МТЗ-80" русумли трактор сотилади. Мабодо керак эмасми? — дея қармоқ ташлади у.

— Э, керак эмаслигини олиб ташланг. Шу русумдаги тракторни излаб овора бўлиб юрибмиз-у, сиз бў

Муҳокама учун мавзу!

ЖАБРДИЙДА ҲАҚИНИ КИМДАН ОЛАДИ?

ёки ДАВЛАТ НЕГА БИРОВ ЕГАН СОМСАГА ҲАҚ ТЎЛАШИ КЕРАК?

Бошлиқ билан ходим ўртасида низо чиқиши кундалик ҳаётда учраб туради. Ҳуқуқшунослар ибораси билан айтганда, иш берувчи ва иш бажарувчи ўртасида ғирромлик, адолатсизлик пайдо бўлса, арзбозлик, қозилашиш юзага келиши мумкин.

Ҳақиқат ўз вақтида қарор топса-ку, хўп-хўп, аммо тобора чўзилиб бораверса-чи? У ҳолда ушбу жанжалга алоқаси йўқ бошқа ходимлар ҳам изтироб чекишади. Дейлик, маънавий ёки моддий зарарни ундириш учун икки томон қозилашсаю, одил суд уларнинг ўртасини холисона очиб, муаммосини ечиб берса-ку, баайни савоб иш бўлур эди. Лекин ... ўртада кўрилган моддий ва маънавий зиённи нега айбдор шахс, яъни қонунбузар амалдор эмас, давлат тўлаши керак?

Энди буёғини эшитинг. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компаниясининг Термиз темир йўл касалхонасида бош ҳаким (ҳозирги кунда собиқ) Исмоил Темиров ҳамда фельдшер Хосият Маматқулова ўртасидаги низо ўзаро ҳурматнинг йўқолишидан бошланганди. Бош ҳакимга тўғрисўз, чўрткесар, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун жон-жаҳди билан курашадиган ходимаси ёкмай қолганди, шекилли, унга секин-аста зуғум ўтказа бошлади. Шу ўринда бир савол туғилади: бош ҳаким-ку, ўз ходимасига маънавий тазъийқ ўтказиб, саргардон қилибди. Лекин, йирик жамоа орасида Хосият опани ҳимоя қиладиган, ҳеч бўлмаса бошлиқни шаштидан қайтариб, ўзаро муросага келтирадиган диёнатли кишилар топилмадими? Бизнингча, мазкур жамоада ушбу зиддиятни текин томошага ўч одамлар мириқиб томоша қилишган. Хуллас, низо туфайли собиқ бош ҳаким Исмоил Темиров Хосият Маматқуловани ҳеч бир асоссиз фельдшерлик вазифасидан ҳамшираликка тушириб қўяди.

Опанинг ҳақли шикоятига кўра, республика транспорт прокуратураси собиқ бош ҳакимнинг мазкур буйруғи (№60. 07.09.1999 й.)га протест келтириб, адолат қарор топади. Аммо гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона асабга тегишлар, зуғум ўтказишлар давом этаверади. Гарчи оғир, изтиробли курашлар, ҳақ-ҳуқуқ талашишлардан сўнг, бир қанча вақт Ҳосият Маматқулованинг фельдшерлик штати қайтадан тикланиб, у фаолиятини давом эттирган бўлса-да, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, фельдшерлик штати тағин қисқартирилади.

Яна кураш авж олди. Тошкент-Термиз йўналишида идорама-идора, қозима-қози югураверириб, опанинг тинкаси қуриди. Бир неча марта бетобланиб касалхонада даволаниб чиқади.

Ниҳоят, ўтган йилнинг 15 декабрида Қизирик туман суди Хосият Маматқуловонинг "Маънавий зарарни ундириш ҳақида"ги даъво аризасини кўриб чиқди. Даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилади. Шунга кўра, жабрланувчи Хосият Маматқулова фойдасига икки миллион сўм ундириб бериладиган бўлади. Бир қарашда ҳақиқат жойида қарор топади. Аммо, таассуфки, маънавий зарар опанинг бошига ортиқча ташвишлар ёғдирган собиқ бош ҳаким ва унинг тарафида турган тўралардан эмас, балки маъмуриятдан, аниқроғи, давлат ғазнасидан ундириладиган бўлади. Бундан кўчилик таажжубга тушди. Нима учун касалхона биноси буздирилиб, ундаги энг сара ёғоч ва тахталар, ғиштлар, эшик-дераза ромлари бозор нархида сотиб юборилиб, бирор тийини ҳам маъмурият хазинасига кирим қилинмаган бўлса, боз устига айни чоғ беморларнинг ярми "Дилфуза" боғчасида, ярми темир йўл поликлиникасида ётишса-ю жанжалнинг уясига чўп тиққан бош ҳаким сувдан қуруқ чиқиб, жабрини маъмурият тортиши керак? Бунинг устига, судда жавобгар томон вакили бўлиб қатнашган Бўри Маҳматмуродовнинг "опанинг ҳақиқат излаб Тошкентга бир неча марта қатнаганидан, ноҳақ азоб-уқубат чеккани-дан хабарим бор", деб кўргазма бергани кишини ўйга толдиради. Чунки у касалхонанинг касаба уюшмаси раиси бўлади-да! Бу ҳолни кўриб, бизда ҳам шундай мулоҳазалар туғилди. Эҳтимол, маънавий зарар бош ҳакиму касаба уюшмаси раиси ва бошқа амалдорларнинг ҳамёнидан ундирилса, одил ҳукм бўлармиди? Нега ҳуқуқбузарликни собиқ бош ҳаким ва унинг тарафдорлари қилади-ю, жазони маъмурият қиёфасидаги давлат тортади? Шу кеча-кундуз суд ҳукми ижроси учун маъмурият даъвогарга икки миллион сўмлик маънавий зарарни тўласа, касалхона ходимлари икки ярим ой маошсиз қолади. Тасаввур қилинг, қозони қайнамаётган, асаблари бузуқ жарроҳ операция столида жон талашиб ётган беморнинг ёнига қандай кайфиятда боради?

Яқинда вилоят фуқаролик суди мазкур ишни кассацион тартибда кўриб чиқиб, Қизирик туман судининг ҳукмини бекор қилди. Ҳақиқат қарор топди. Аммо бундай ҳолатлар энди содир бўлмайди, деб айта оламизми? Ҳамма гап шунда.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
"Инсон ва қонун"нинг
махсус мухбири

Таҳририятдан: ***Ушбу мақолада кўтарилган мавзу ғоят долзарб. Муаллиф баҳсталаб масалага ечим излаган. Таҳририят мазкур мавзу юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни кутиб қолади.***

Оталар дейдики:

Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Оллоҳ таоло вабо юборади.

***

Ҳой тажрибали одам, менинг маслаҳатимга қулоқ сол: агар сен ақлли бўлсанг, жоҳиллардан нафратлан. Озгина билими бор одам улардан узоқда юриши керак. Уларнинг мақтаниб айтган гапларидан асран, улардан юз масофа узоқда юр.

***

Иккиюзламачига зинҳор билим берма. Чунки у кейинчалик билим ёрдамида сени енгади ва натижада пушаймон бўласан.

***

Олимлик, билим ва касб-ҳунар орқали ҳақиқатга эришасан. Қаердаки сахийлигинг ва қадр-қимматинг ардоқланса, билгинки, шу ерда сени тан олишади.

Мулоҳаза

«КЕЛИННИ АТЛАС ЎЙЛАКДА КЎРГИМ ЕЛАДИ»

"Маҳалланг — ота-онанг" иборасининг нечоғлик ҳаётий эканлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хоҳ оила келишмовчиликларини бартараф этиш, хоҳ кўни-кўшнилар можароларини ҳал қилиш ёки бирор идорага керакли тавсифнома бериш, умуман, барча-барчаси бугунги кунда маҳалла ва маҳалла қўмитаси зиммасига юклатилган. Ҳатто турли хил хизмат тўловларини аҳолининг ўз вақтида тўлашларини йўлга қўйиш ҳам маҳалла оқсоқоли ва фуқароларининг кўмагида амалга оширилмоқда. Мазкур ишларнинг уддасидан чиқиш маҳалла оқсоқолидан жуда катта масъулият ва фидойилик талаб этади. Буни Ангрен шаҳридаги Янги Жигаристон маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлай бошлагач, янада теранроқ ҳис этдим.

Аёл киши бўла туриб маҳаллага раислик қилиш осон эмаслигини ҳам ўшандан бошимдан ўтказиб, баъзан шундай масъулиятни зиммамга олганимга афсусланган пайтларим ҳам бўлди. Лекин маҳалла фаолларининг, кўпни кўрган тажрибали кишиларнинг далдаси, маслаҳати ўз вазифамга сидқидилдан ёндашишга ундади. Маҳалламизда 225 та хўжалик бўлиб, икки минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир оиланинг турмуш тарзи доим кўз ўнгимда туради... Мен иш фаолиятим давомида яна шунга амин бўлдимки, кўпчилик хотин-қизлар маҳалла қўмиталарига аёл киши бошчилик қилиши тарафдори экан.

Бу тасодифий гап эмас. Чунки халқимиз рўзғоридаги камкўстни, келишмовчиликни ошкора этишни ор биладиган миллат. Оила можаролари бир томоннинг суягига пичоқ бориб қадалгандагина юзага чиқади. Бунда кўп ҳолларда уй бекаси жабрланувчи бўлади ва у дилидаги гапларни оқсоқолга ошкора айта олмайди. Аёл киши бундай пайтда дардини охирги томчисигача тўкиб солиб, озгина панд насиҳат берадиган кишига муҳтож бўлади. Аёл юрагидаги гапларни фақат аёлгагина ишониб айтади ва улар бир-бирларининг фикрларини тўғри англай олишади.

Кейинги пайтларда мени тўйларимиздаги тартиб, баъзан билиб-билмай йўл қўйилаётган бачкана одатлар кўп ўйлантиради.

Бизда тўй қилувчи оила бошлиқлари аввалдан келиб маҳалла фаоллари билан учрашадилар ва бамаслаҳат тўй кунини белгилашади. Никоҳдан ўтиш учун тараддуд кўраётган ёшлар билан ҳам албатта суҳбатлашаман. Бизнинг фикримизни тўғри тушунганлар никоҳ тантаналарини 2-3 та машина билан оддийгина қилиб ўтказишяпти.

Албатта, келинни ёр-ёр айтиб узатиб боришга нима етсин. Бултур бир тўйда менинг таклифим билан никоҳга куёв тўндаю, келинчак атласда чиқадиган бўлди. Аввалига "хўп" деб турган келин кутилмаганда айниб қолди. "ЗАГСга ҳам атлас киядими?" — деб дугоналари айнитишибди.

Шунинг учун миллий қадриятларимизни ҳаётга тадбиқ этишни ўз оиламдан бошлашга аҳд қилдим. Яқинда қизимни турмушга бердим. У миллий рамзимиз бўлган хонатласда ФҲДЁга борди. Тўйга келган момоларимиз келинчакни атласда кўриб бир қувонсалар, қадим одатларимиз қайта бошлаганидан яна бир суюниб, дуо қилдилар.

Бу фикрларимга ким қандай муносабат билдиради, билмайману, лекин бизнинг ўзбек қизларимизга фақат атлас кўйлак ярашади, ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшади.

Шу ўринда яна бир таклифим бор: нега баъзи қизларимиз атлас кўйлакни ғурур ва ифтихор билан кийиб, бутун дунёга кўз-кўз қилишни истамайди?. Ахир, биргина ана шу атлас либос тимсолида ҳам миллий қадриятимизни, халқимизнинг яратувчилик салоҳиятини бемалол кўриш мумкин. Бугун биз ана шу миллий қадриятни эъзозламасак, ким эъзозлайди?!

Дарҳақиқат, ўзбек қизларини оппоқ фаталарда кўрганимизда масаланинг бу жиҳатларини ҳам эътиборга олишимиз зарур экан.

Тўй — хонадон эгасининг ички маданияти, диди, билими ва савиясини намоён қиладиган маросим. Келинг, қадим гўзал анъаналаримизни тиклаб, уни шундай ўтказайликки, боболаримизу момоларимиз руҳлари шод бўлсин. Никоҳдан ўтаётган ёшларимиз тўй лаҳзаларини умр бўйи ширин бир энтикиш, ҳаяжон ва қувонч билан эслаб юришсин.

Гулбуви СОТИБОЛДИЕВА,
маҳалла қўмитаси раисаси

(Боши учинчи бетда)

СЎНГГИ БЕКАТ... ёки ЕЛИМ ХАЛТА

Ўтган йилнинг 31 май куни Шўрчи туманидаги "Савжирон" қишлоғида яшовчи Зиёда Маматқулова "Шўрчидон маҳсулотлари" жамиятига қарашли автомобиллар тўхташ бекатини сотиб олиш мақсадида вилоят кўчмас мулк биржаси бошлиғи Иброҳим Панжиев ҳузурига келди.

— Яхши ўйлабсиз, опа, — деди бошлиқ, — ҳар куни воҳанинг турли туманларидан ун олиб келиш учун бу ерга кўплаб машиналар келади. Даромадли жой. Сизга албатта ёрдам берамиз. Кимошди савдосида қатнашасиз, фақат бир нарсага эътибор беринг.

— Нимага? Мен бундай савдода биринчи бор иштирок этишим. Маслаҳатингизни аяманг, акажон, — дея илтимос қилди Зиёда опа.

— Кимошди савдосида қатнашган пайтда қўлингиздаги рақамли таёқчани туширмай турасиз. Нархи чиққач, бекат сизники бўлади.

— Раҳмат, акажон. Илоҳим умрингиздан барака топинг, — дея хурсанд бўлди Зиёда опа.

Лекин харидор эрта қувонганэди. Ҳали бу ишнинг қанчаданқанча ғавғолари, таъмагирликлари борлигини у қаёқдан ҳам билсин. Бошлиқнинг юқоридаги "маслаҳатлари" харидорни тузоққа илинтириш учун айтилган эди, холос. Ўргимчак уясига ўхшаш бу тузоқ бир кун ўзларига бало бўлиб қайтишини товламачилар хаёлларига ҳам келтиришмасди.

"Дон маҳсулотлари" қошидаги машиналар бекатининг кимошди савдосида Зиёда Маматқулова иштирок этиб, қўлидаги рақамли таёқчани туширмай, ишонган "ака"нинг "маслаҳатлари"га амал қилди. Нархи эса тўхтамай ошиб борарди. Ахийри, 6 миллион 500 минг сўмга келиб тўхтади. Зиёда опа кимошди савдосида ғолиб деб топилди. 2000 йилнинг 1 июнь кунида Зиёда Маматқулова билан кўчмас мулк биржаси бошлиғи Иброҳим Панжиевлар ўртасида 67-сонли олди-сотди шартномаси тузилиб, жимжимадор имзолар чекилди. Ҳаммаси рисоладагидек эди. Афсуски, эди-да... Орадан ўн кун ўтгач, Зиёда кўчмас мулк биржаси бошлиғи Иброҳим Панжиев ҳузурига не-не умидлар билан харид қилинган мулкнинг буйруғини сўраб борди.

— Буйруқни оласиз. Қачонки 1 миллион 500 минг сўм олиб келсангиз, ордер қўлингизга тутқазилади, — дея бошлиқ оғзининг бир учидан чиққан залвирдек суммани талаб қилди.

— Акажон, ахир, бунча пулни қаердан оламан? — деб сўради ҳайрон бўлиб харидор, — сиз айтган пул менда йўқ-ку!

— Пулинг бўлмаса, савдода қатнашиб нима қилардинг? — дея бошлиқ очиқ-ошкор ўдағайлади.

Хуллас, ўртага пора оралади. Бу ишга сохта биржа хизматчиси "қаҳрамонимиз" Эшқобил Қурбонназаров, бош мутахассис Жўрабек Абраматов, кўчмас мулк брокери Хусниддин Хўжақулов, биржа бошлиғи Иброҳим Панжиевлар бекат харидоридан миллион сўм пора олиш эвазига ордер ёзиб беришни мақсад қилиб олишди. Ана энди асосий воқеаларнинг якунига келинди. Биз юқорида товламачиларнинг барча кирдикорларини беҳудага 18 сентябрь кунига боғламадик. Бу кун пора олувчиларнинг қора кунларининг бошланиши ва якуни эди. 17-сентябрь куни жиноий гуруҳ, яъни Э.Қурбонназаров, Ж.Абраматов, Х.Хўжақуловлар биржа бошлиғи И.Панжиевнинг топшириғига асосан Термиз шаҳридаги "Болалар хиёбонига" келишди. Бу ерда улар Зиёда Маматқуловадан келишилган пулни олишлари лозим эди. Харидорлар ва мижозлар учрашдилар.

— Пулни олиб келдингизми, опажон? — дея сўрашди товламачилар.

— Ордер қани? Тайёрми? — сўради харидор.

— Бошлиқнинг хонасида, пулни берсангиз, ҳозир олиб келиб берамиз.

— Бугун юз минг сўм оласизлар. Эртага худди шу ерда, соат 11-яримда қолган бир миллион 400 минг сўмни санаб бераман, — деди опахон.

18 сентябр. Шаҳар марказидаги "Болалар хиёбони" ҳар галгидек одамлар билан гавжум. Ҳамма ўз ташвиши, ўй-дунёси билан банд. Келишилган пайтда "қаҳрамонларимиз" интизорлик билан кутаётган мижозлари бўлмиш З.Маматқуловлар қўлидаги елим халта тўла пул билан улар ҳузурида ҳозир бўлди.

— Санаб олинглар, — деди қатъият билан харидор.

— Ҳаммаси тўғри, опажон. 1 миллион 400 минг сўм.

— Мана елим халта, ичига жойлаб олсангизлар ҳам бўлади. — деди харидор.

— Тўғри айтасиз, опажон. Майли сиз айтгандек бўлақолсин, — фирибгарлар шошилмай бир уюм пулни елим халтага жойлашди.

Улар энди кетишга чоғланган пайт тезкор гуруҳ ходимлари етиб келишди. Аҳвол анча мураккаб эди.

— Пулни нима мақсадда олдиларинг? — дея сўралди улардан.

— Пулни машина учун мен олгандим, — деди Эшқобил Қурбонназаров.

Тегишли жойда эса махсус ишловдан ўтказилган пул дасталари ичида 60 дона пулга "пора Эшқобилга 16.09.00" деган ёзувлар бор эди...

Яқинда бўлиб ўтган суд ҳукмига кўра, И.Панжиев, Ж.Абраматов, Э.Қурбонназаров, Х. Хўжақулов қонуний жазосини олишди.

«КИМОШДИ»ДА КИМ ҒОЛИБ?

Шуҳрат ЎРИНОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи,
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

(Охири. Боши олдинги сонда)

ГУМРОҲЛИК

Назира челак кўтариб, сувга чиққан эди. Кўчада девор-дармиён қўшниси Ойшани учратиб қолди. Одатдаги салом-аликдан сўнг Ойша кутилмаганда гапга тушиб кетиб қолди:

— Ҳамсоя, хабарингиз бормийўқми, билмайман, аммо бугун тунда бир воқеа бўлди, — деди у кўзлари кўрқувдан аланг-жаланг ўйнаган кўйи. — Шу денг, ҳовлимизга ўғри оралади. Ярим тунда аллақандай қадам товушидан сесканиб уйғониб кетдим. Кимдир уй ичига киргандек бўлди. Юрагим нақ ёрилиб кетай деди. Шошапиша туртқилаб, ўғлим Салимни уйғотдим. Ўғлим ҳар қалай эркак киши эмасми, ўрнидан отилиб туриб, ҳалиги ўғрининг тўппа-тўғри бориб ёқасидан олди. Иккаласи ёқалашиб кетди. Ўғлим уни ўрибуриб, ҳовлидан ташқарига олиб чиқди-да, Нарпай каналига ташлаб юборди.

Агар Ойшанинг алланимадан бесаранжом афт-ангори довдираб-совдираб, ваҳм билан айтаётган гап-сўзларига синчков назар ташлаган киши унинг ёлғон гапираётганини пайқаши қийин эмасди.

Бунинг устига Ойшанинг бошқа қўни-қўшниларига ўша тунда рўй берган воқеа хусусида айтган гаплари бир-бирига мутлақо мос тушмас, жумладан, у айрим ҳамсояларига ярим тунда ҳовлига чиқиб, ёрдам беринглар, уйимизга ўғри тушди, деб чақирдим, лекин ҳеч ким ёрдамга келмади, дейишгача бориб етган эди.

Энг қизиғи, ўша тунда қўшниларнинг биронтаси Ойшанинг ҳовлисида шунқа тўс-тўпалон рўй берганини пайқашмаган эди...

Она ва ўғил эса, азбаройи ўзларини оқлаш учун, ўша дамда кўрқувга тушганимиздан кўзимизга жонимиздан бошқа ҳеч нарса кўринмади, дейишган.

Бу томонда эса Ойшанинг арзанда ўғли Салим ҳам қараб турмаган, балки у ҳам худди онаси сингари ўша тунда ҳовлисида рўй берган воқеани ўзича талқин этиб, одамларни ишонтиришга уринган.

Қўшнилардан кимдир икки гумроҳ — она ва ўғилнинг алмойи-алжойи гап-сўзларини тинглаб туриб, азбаройи раҳми келганиданми, шўрлик ўғри деганларинг маст экан, каналга ташлаб юбориб бекор қипсизлар, милициянинг қўлига топширишкерак эди, деган.

Албатта, одамлар она ва ўғилнинг бу гап-сўзларини ишонибишонмай тинглашган. Ҳарқалай, уларга бунинг ончалик қизиғи йўқ эди.

Лекин иккинчи томондан айни шу кунларда Тоғаймуроднинг ўлими тафсилотларини очиш, ҳақиқий жиноятчини топиш учун боши қотиб юрган тергов ходимларини икки нобакор — она ва ўғилнинг алаҳсирагандек айтган сўзлари табиийки, эътиборсиз қолдирмаган. Улар терговга чақирилган.

— 1998 йилнинг декабр ойи эди, — дея терговда кўрсатма беради Ойша Исанова, — ўғрилар битта қўйимизни ўғирлаб кетди. Биз ички ишлар бўлимига мурожаат қилгандик. Ўшанда милиция ходими Рустам Усмонов келиб, воқеа жойини кўздан кечирди. Аммо ўғрини топа олмади. Уларга ўғрининг кимлигини айтгани билан фойдаси йўқ. Барибир, ҳеч нарса ўзгармайди.

Албатта, ўз навбатида Ойшанинг терговда берган кўрсатмалари батафсил текшириб кўрилган. Лекин бирон-бир нарса ўз тасдиғини топмаган. Аввало шуни айтиш керакки, ички ишлар бўлимининг фуқаролар мурожаатини қайд этиш дафтарида Ойша Исанованинг қўйи ўғирлангани ҳақидаги аризаси қайд этилмаган. Бунинг устига милиция ходими Р.Усмонов ўша вақтда туманнинг Рўзиқул Махмонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида участка нозири бўлиб ишлаган. Зиёвуддин қўрғонининг Ойша Исанова истиқомат қиладиган ҳудуди Рустам Усмоновнинг хизмат доирасига кирмаган.

Фақат Тоғаймурод Ўриновнинг жасади Нарпай каналидан топилгандан сўнг Рустам Усмонов терговчи ва холислар билан бирга Ойша Исанова уй-жойи ва ёрдамчи хўжаликларида тинтув ўтказишда иштирок этади.

Демакки, Ойшанинг терговда берган кўрсатмаси уйдирма эканлиги ошкор бўлади.

Аммо бунга қарамай икки нобакор яна терговни чалғитишга тушишади. Уларнинг навбатдаги найранги ҳаммасидан ошиб тушади. Улар уялмай-нетмай шундай важ-карсонни рўкач қилиб олишади: биз Нарпай каналига ташлаб юборган кимса Тоғаймурод Ўринов эмас, бошқа одам эди. Бунинг устига ўша куни каналда сув йўқ эди, биз сувга ташлаб юборган ҳалиги бадмаст кимса каналнинг ўртасида туриб олиб, бизга қарата тош отганди. Биз эса унга жавобан бадмастнинг ташқарида қолган чопони, кўйлаги ва резина шиппагини отдик...

Тергов ва суд жараёнида жиноят содир этилган кун Нарпай каналида сув бор ёки йўқлигини ўнлаб гувоҳлар жалб этилиб, ўрганишга тўғри келди. Айни ўша кунларда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси каналнинг 28-назорат постидан ҳар икки соатда қанча ҳажмда сув оқаётгани тўғрисида маълумот олиб турган. Бу маълумотлар узлуксиз равишда қайд этиб борилган.

Бунинг устига Нарпай канали раҳбарлари айни жиноят содир этилган паллада каналнинг сувида умуман узилиш бўлмаганлиги тўғрисида судда гувоҳлик беришди.

Икки нобакор — она ва ўғилнинг айбни ўзларидан соқит қилиб, жазодан қутулиш учун тўқиган баҳонаси яна асоссиз бўлиб чиқди.

СУВ ЮЗИДАГИ ЖАСАД

ТУҲМАТ

Сувда чўкаётган кимса хасга ҳам ёпишади, деб бежиз айтишмаган. Чунки унинг бундан бўлак чора-ю аъмоли қолмайди. Тобора сири очилиб, айбдорлиги ошкор бўлиб бораётган Ойша Исанова ҳам айни шундай аҳволга тушган эди. У дастлабки терговда фуқаро Баҳром Пармановга барча айбни тўнкашга урониб кўрди.

— 20-сентябр куни ўғлим Салим билан алоқа бўлимига бориб, Учқудуқ шаҳрига синглим Хадича Исановага қўнғироқ қилиб гаплашдик, — деди у терговда. — Сўнгра синглим билан гаплашганимиз, унинг соғ-саломат юрганини айтиш учун ота-онамнинг ҳовлисига кирдик. Кечқурун 23[30] ларда Нарпай канали ёқалаб, уйга кета туриб, кўприк устида Тоғаймурод акани учратиб қолдим. Шунчаки саломлашиб, ўтиб кетдим. Орадан йигирма дақиқа ўтгач, ювиндиқни тўкиш учун ҳовлидан чиқдим. Тоғаймурод ака мени чақирди. Мен ўғлим ухласин, кейин чиқаман, деб яна ҳовлига кириб кетдим. Сўнгра орадан пича фурсат ўтгач, қайтиб чиқсам, тут дарахти остига ўрнатилган ўриндиқда Баҳром ака ўтирган экан. У менга кўзи тушиб, ҳозир биттасининг кийимбошини ечиб олиб, каналга ташлаб юбордим, деди. Унинг қўлида эркаклар шими билан резина шиппак бор эди. Сўнг у индамайнетмай йўл четида бир тугунни олди-да, канал ёқалаб кетди.

Энг ачинарли томони шундаки, терговда Ойша бир пайтнинг ўзида ҳам Баҳром, ҳам Тоғаймурод билан яқинлик қилиб юрганини эътироф этган... Шундан келиб чиқиб, у Баҳром Тоғаймуродни рашк устида ўлдирди, дея кўрсатма берган.

Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, тергов органларига Ойшанинг мазкур кўрсатмаси юзасидан ҳам текширув олиб боришга тўғри келди. Дастлабки тергов органлари томонидан гумондор Баҳром Пармоновнинг Т.Ўриновнинг ўлимига алоқаси бор ёки йўқлиги текшириб кўрилди.

Буни қарангки, Б.Пармоновнинг уйидаги брезент материалида қон доғлари топилган. Лекин суд биологик экспертизасининг 486 сонли хулосасига кўра, бу қон доғлари йирик шохли қора молники эканлиги аниқланди...

Дарвоқе, кейинги суд жараёнида Ойшанинг ўзи ҳам Б.Пармоновга атай туҳмат қилганини тан олди...

ШАЙТОННИНГ МАКРИГА УЧГАН АЁЛ

Мазкур жиноят иши юзасидан олиб борилган барча саъй-ҳаракатлар охир-оқибат ўз ниҳоясига етди. Ойша Исанова ва Салим Исанов айбдор деб топилди.

Хўш, аслида бу жиноят қандай содир этилган эди?

Биз юқорида Ойша ва унинг ўғли Салим Учқудуқ шаҳрида яшайдиган синглиси билан телефон орқали гаплашгани ҳақида айтган эдик.

Ҳақиқатан ҳам, воқеанинг бошланиши айнан шундай кечган. Лекин унинг давоми эса...

Қисқаси, тунда она ва ўғил уйларига қайтгач, Салим дарров ухлагани ётган ва орадан кўп вақт ўтмай қотиб ухлаб қолган.

Аммо нияти бузуқ онанинг кўзларига уйқу келмаган. У ўғли ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, кўчага чиқиб, ҳовлига Тоғаймуродни бошлаб кирган. Улар ҳовлининг кўздан пана жойида бўлган тандирхонадаги сим кроват томон йўл олишган...

Худо қарғаган ўша тунда нима бўлган-у, тош қотиб ухлаб ётган Салим кутилмаганда уйқудан уйғониб, уйдан ташқарига чиққан. Ҳамма бало ана шундан бошланган.

Ҳовлига чиққан Салимнинг қулоғига тандирхонадан келаётган сим кроватнинг безовта ғичирлаши урилади ва у беихтиёр ўша томонга қараб юради. У тандирхонага етиб келиб не кўз билан кўрсинки, онаси нотаниш кимса билан... Лекин нахс ботқоғига ботган Ойша ҳам, Тоғаймурод ҳам бошлари устида Салим кўзлари ғазабдан ёниб турганини сезишмаган.

Фақат Салим Тоғаймуроднинг сочидан тортқилаб, уришга тушганда, уларнинг ҳуши ўзига келади.

Бедодликни қарангки, кутилмаганда, бирдан Ойша ўзини жабрдийда қиёфага солади ва ўғлига, қўлинг билан урма, лом билан ур, дея буюради. Сўнг унинг ўзи ҳам ўғлининг қаторида туриб, маст-аласт Тоғаймуродни калтаклашга тушади.

Калтак остида қолган Тоғаймуроднинг қовурға ва бурун суяги синади, оғир жароҳат олади. Аммо буткул қутуриб кетган она ва ўғил уни жон ваҳмида эшиклари остидан ўтадиган канал томон судрашади. Тобора ажал комига бораётган Тоғаймурод ғудраниб сўкинишдан нарига ўта олмаган.

Она ва ўғил Тоғаймуроднинг ортидан у боя тандирхонада ечиб қолдирган қора чопон, шим ва резина шиппакни ҳам каналга ирғитишади.

Сўнг улар тун қоронғусида шоша-пиша ҳовли юзидаги Тоғаймуроднинг жароҳатидан оққан қон изларини белкурак билан қириб олиб, сув сепишади...

Мазкур мудҳиш жиноят тафсилотлари шундан иборат.

Хўш, бу жиноят нега содир этилди? Бунинг асосий айбдори ким?

Албатта, марҳумнинг ортидан ёмон гапириб бўлмайди. Лекин Тоғаймуроднинг ўлими бош сабабчиси аввало унинг ўзи эмасми?!. Ахир, у нафс измига кирмай, оила, фарзандлари шаънини ўйлаб, ножўя қадам босмаганида, умр йўли бундай шармандали якун топмасди-ку!

Ойша-чи?!

Уни она, аёл дейишга ҳам кишининг тили бормайди. Ўз қадр-қимматини ерга урган, ор-номусини сотган аёл, ҳеч шубҳасиз, шундай оғир қисматга гирифтор бўлади.

Албатта, бу жиноят юзасидан қонун ҳам ўзининг қатъий фикрини айтди. Она ва ўғил қилмишларига яраша жазо олди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Хотини эрига дейди:

— Эсингдами, тўққиз ой аввал сен икки ҳафтага отпуска олиб, балиқ тутгани кетган эдинг?

— Ҳа, эсимда.

— Бугун ўша балиқлардан бири кўнғироқ қилиб, сенинг ота бўлганингни маълум қилди...

***

— Қариндошларим қанча эканини аниқ билмоқчийдим.

— Бунинг йўли осон. Дала ҳовли сотиб ол...

***

Дам олувчи курорт меҳмонхонасига келиб сўраяпти:

— Бўш хона борми?

Ҳа. Биттаси 20 франк, иккинчиси 30 франк туради, — деб жавоб беради меҳмонхона хўжайини.

— Нима фарқи бор уларнинг?

— 30 франкли номерда сичқон тутгани қопқон бор...

***

— Дада, кўзингизни юминг.

— Нимага, ўғлим.

— Ойим айтдилар, даданг кўзини юмгандан кейин оиламиз тинчийди, деб...

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2943. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Х. НОРБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ЯХНЯЕВА,
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.